O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 25-aprel, chorshanba ✱ № 18 (770) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

## ВАҚТИМИЗ ҲАМ, НАҚДИМИЗ ҲАМ ҚЎЛИМИЗДА

Бугун мамлакатимизда ўқийман, изланаман деганга барча шароитлар яратилган. Имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзининг билими, юксак салоҳияти билан тенгдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлаётган, изланишлари натижасида сезиларли ютуқларни қўлга киритаётган ёшлар талайгина. Улар илм-фан чўққиларини забт этишда, санъат ва спортда юксак натижаларга эришиб, мамлакат довруғини оламга ёймоқда.

➪ 3-бет

## ОГОҲ БЎЛИНГ, ДИСКЛАР!




Таассуфки, ҳозирда мўмай даромад илинжида турли фильмлар, концерт, клип ва бошқа видео материалларни яширин равишда кўпайтириб, пуллаётган сохта тадбиркорлар анча. Улар ўзлари билиб ёки билмай маънавиятимиз кушандаси бўлган "оммавий маданият"ни тарғиб қилаяптилар.

➪ 6-бет

## ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги дўстлик алоқалари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатимиз тарихи, маданиятига Испания қироллигининг олий даражали зиёлилари, савдо-сотиқ ҳамкорлари ҳамиша қизиқиш ва катта эътибор билан қараган.

➪ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ **18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.**

✱ 19 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда "Лукойл нефть компанияси" очиқ акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди. Учрашувда "Лукойл НК" ОАЖнинг Ўзбекистондаги қатор сармоявий блокларда геология-разведка ишларини бажариш ва углеводород конларини ўзлаштириш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, Бухоро вилоятида газни қайта ишлайдиган янги завод қурилишининг бориши муҳокама қилинди.

✱ **20 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан шу йил 19 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

✱ Нью-Йорк шаҳрида "Глобаллашув даврида оила ва анъанавий қадриятларни асраш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Нью-Йоркдаги бош консуллиги ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг асосий мазмуни, мақсад ва вазифалари билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✓ 9 май – Хотира ва қадрлаш куни



# Фахрийларни эъзозлаш — шарафли иш

**Ўтганларнинг хайрли ишлари ва жасоратини эслаш, бугун орамизда яшаб, фарзандларимиз тарбиясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган отахону онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини рағбатлантириш яхши анъанага айланган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, жорий йилда ҳам ушбу байрамни муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда.

— Хотира ва қадрлаш кунига ҳозирлик доирасида вилоятимиз ҳудудидаги барча зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилмоқда, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси Толиб Тўраев. — Бу ишга маҳаллалар фаоллари, ёшлар муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлигидан маълум қилишларича, туман ва шаҳарларда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Президентимизнинг фармонида белгиланган пул мукофотларини топшириш учун ишчи гуруҳлари тузилган. Улар уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларига боради, моддий ва маънавий кўмак беради, байрам совғаларини тарқатади.

Айни кунларда вилоятда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган турли маърифий-бадиий кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган бундай тадбирларда вилоятда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирок этмоқдалар. Зеро, ёшларимизни она Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кекса авлод вакилларининг алоҳида ўрни бор. Тинчлик ва озодлик учун курашган, элу юрт тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларнинг ҳаёти ёшлар учун намуна бўлиши шубҳасиз. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 750 нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилмоқда.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

**ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танлов мавзуси: **"Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда иштирок этишга, шу жумладан ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилиш".**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустаҳкамлаш — ёш оилалар, аёллар ва ёшлар, аҳолининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

— оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, халқ ҳунармандчилиги, айниқса, узоқ қишлоқ ҳудудларида, тадбиркорлик фаолияти шаклларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

— ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга шароитлар яратиш;

— аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, узоқ туманлар ва қишлоқ ҳудудларида уларнинг касбий таълимини яхшилаш;

— жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш, азалий миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда юқори одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйишда кўмаклашиш;

— жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқаришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

2 »

✓ Тараққиёт робиталарида

# Юрт равнақидаги муҳим тизим

**Ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиб боришида темир йўл тармоғининг аҳамияти бениҳоя катта. Иқтисодиётнинг «қон томирлари» ҳисобланган темир йўллар қўшни ва узоқ яқиндаги хориж давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларининг янада кенгайишида асосий омил ҳисобланади.**



Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардаёқ мамлакатимиз раҳбарияти томонидан соҳага жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, 1994 йилнинг 7 ноябрь куни Юртбошимиз ташаббуси билан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси олдига мамлакатнинг йўловчи ҳамда халқ хўжалиги юкларини ташишга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Ўзбекистон темир йўлларининг жаҳон темир йўл тармоқлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ДАТКнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳани ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ва шу каби соҳа ислоҳотига доир масалаларга тезда ечим топиш талаб қилинарди. Қарангки, бу улкан вазифа соҳа ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли бекаму кўст адо этилди. Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида соҳада олиб борилган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизда тарихан қисқа вақт ичида темирйўл тизимида салмоқли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз шимолида «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» темирйўл тармоғи, Хоразм вилоятида Амударё устидан ҳам автомобиль, ҳам темир йўл транспортини ўтказувчи кўприк қурилди. Жанубда эса «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темирйўл линияси барпо этилди. Пировардида, юртимиз «пўлат излари»нинг узунлиги 6 минг 20 километрдан ошди.

2 »



# ЮРТ РАВНАҚИДАГИ МУҲИМ ТИЗИМ

*(Боши 1-бетда.)*

Бугунги кунда ҳам соҳани ривожлантириш ишлари жадал давом этаётир. Янгиер ва Жиззах шаҳарлари ўртасида икки йўналишли, «Янгиер — Фарҳод» участкасида бир йўналишли электрлаштирилган темир йўллар барпо этилмоқда. Эндиликда «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси мутахассисларининг йўл қуриш салоҳияти халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаяпти. Қурилиши 2010 йилда бошланган ва муддатидан олдин ниҳоясига етказилган Афғонистоннинг «Ҳайратон — Мозори шариф» станциялари ўртасидаги 75 километрлик темир йўл қурилиши фикримиз исботидир. Мазкур йўл мамлакатимиздан Афғонистонга мўлжалланган транзит юклар ташиш ҳажмини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, у Осиёни Европа билан боғловчи улкан магистралнинг бир бўғинига айланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси темир йўлларни дунё талаблари даражасида реконструкциялаш, электрлаштириш орқали мавжуд ҳаракат таркибини модернизациялаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи инновацион лойиҳаларни тармоққа жалб этиш, зарур эҳтиёт қисмларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш, замонавий билимларга эга ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва саломатлигини муҳофаза қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш каби масалаларни ҳам муваффақиятли ҳал этишга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Компания таркибида бир қанча корхоналар мавжуд. Улардан бири «Ўзтемирйўлйўловчи» корхонасидир. Янги йўналишларнинг очилиши, уларда тезюрар поездлар қатновининг йўлга қўйилаётгани, вокзалларда ва поездларда юқори даражадаги сервис хизматларининг таклиф этилаётгани, халқаро андозалар даражасидаги шарт-шароитларнинг яратилаётгани мазкур корхона мутахассисларининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётгани натижасидир, десак, муболаға бўлмайди.

Яқинда, аниқроғи жорий йилнинг 13 апрелида мамлакатимиздаги вокзаллар ва поездларда йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси темирйўл транспортида йўловчилар, юклар ва юк багажларини ташиш қоидалари тасдиқланди. Унга кўра:

— йўловчиларни (чипталар сотиш ва чипта сотадиган касса ишини ташкил этиш, чипталарни бериш, сайёҳлар ва йўловчиларнинг ташкиллаштирилган гуруҳларини ташиш, чипталарнинг яроқлилик муддати, транспортда юриш, ётиш анжомларини бериш шартлари ва ҳоказо.);

— қўл юки (шу жумладан эсдан чиқариб қолдирилган ёки топилган буюмлар);

— юклари (юкларни қабул қилиш ва расмийлаштириш шартлари, ит, майда уй ҳайвонлари, қушлар ва асаларилар, кўчатлар, ўсимликларни ташиш шартлари, юкларни йўлда бериш, етиб келган юкни сақлаш ва шу кабилар.);

— юк багажи (юк багажини қабул қилиш, расмийлаштириш, етиб келиши ва берилиши, йўқолган ҳолатда қийматини қоплаш).

Шунингдек, ҳужжат буюмларнинг сақлаш камерасида сақланиши ва ташувлар назоратини амалга ошириш тартиблари ҳам ишлаб чиқилган.

Янги қоидаларда чипта сотиб олиш учун олдин кўзда тутилган ҳисоб-китоб шаклларидан ташқари, пластик карталар орқали ҳисоб-китоблар ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, қоидаларга кўра, 5 ёшдан катта бўлмаган иккинчи болани алоҳида ўринсиз, иккала болани отаонаси ҳамроҳлигида бепул олиб юриш ҳам амалиётга киритиладиган бўлди. Илгари бундай имконият мавжуд эмас эди.

Йўловчи поезддан тушириб юбориладиган ҳолатларга яна бир ҳолат қўшилди. Энди агар чиптада белги ёки қўл юкида ва юкда кўрикдан ўтгани тўғрисидаги штамп бўлмаса, йўловчи поезддан тушириб юборилади. Бу ҳолда чиптанинг тўлиқ қиймати қайтарилмайди. Мазкур тартибларнинг амалиётга жорий этилиши албатта аввало йўловчилар манфаатини, қулайликларни кўзлаб амалга оширилмоқда.

Эндиликда темир йўлнинг ўтказувчанлик имкониятини янада ошириш, фойдаланиш харажатларини камайтириш мақсадида юртимиз ҳудудлари бўйлаб ҳаракатланаётган барча поездлар қатнови ягона диспетчерлик маркази (ЯДМ) томонидан бошқарилади. Бу ерда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. Шу сабабли ҳам республиканинг ҳар бир ҳудудида ҳаракатланаётган поездларнинг тезлиги, қанча ва қандай вагонларни тортиб кетаётгани, қайси бекатга яқинлашаётгани, манзилга қачон етиб боришини пойтахтда ЯДМнинг ўзидаёқ билиш мумкин. ЯДМ ихтиёрида ҳар бир таркиб ва вагон ҳаракатини кузата оладиган «Siemens» замонавий ахборот технологиялари тизими мавжуд бўлгани боис, минг-минглаб йўловчиларнинг хавфсизлиги ва юз минглаб тонна юкларнинг бус-бутун ҳолда манзилига етказилиши таъминланадиган бўлди.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг яна бир муҳим бўғини сигнализация ва алоқа тармоғи марказининг юксак технологиялар асосида қайта жиҳозланиши ҳисобланади. У компания таркибидаги корхона ва ташкилотларда автоматика ҳамда алоқа воситаларидан фойдаланиш, уларни ривожлантириш, иш жойларини автоматлаштириш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни, шунингдек, фан ютуқларини жорий этиш бўйича ягона техника сиёсатини юритади ҳамда поездлар ҳаракати хавфсизлигини кучайтиришга доир тадбирларни ишлаб чиқади.

Дарвоқе, МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб юртимизда Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида «Афросиёб» тезюрар поезди ишга туширилганидан хабардорсиз. Тўғри, Россиянинг Москва — Санкт-Петербург шаҳарлари орасида ҳам тезюрар поезд йўлга қўйилган. Аммо унинг тезлиги соатига 200 километрни ташкил этади. Бизнинг «Тальго» эса соатига 251 километрлик маррани забт этганидан ва бир маромда юртимизнинг икки катта шаҳри ўртасида қатнаётгани қувонарли воқеа.

Компания матбуот хизмати раҳбари Ҳайдарали Мамадалиевнинг изоҳ беришича, келгусида бу каби тезюрар поездлар қатнови жанубий йўналишда Термиз шаҳригача, шимолий йўналишда эса Нукус шаҳригача йўлга қўйилади. Ҳозир бу борада лойиҳалаш ишлари олиб бориляпти. Қолаверса, собиқ иттифоқ даврида илон изи кўринишида қурилган темир йўллар тўғри чизиқ кўринишида қайтадан реконструкция қилинади. Бундан ташқари, «Тошкент — Ангрен» линиясида синовдан ўтказилган темир йўлларни электрлаштириш ва сигнализациялаштириш ишлари юртимиздаги барча темир йўл йўналишларида ҳам олиб борилади. Бундай имкониятлар, аввало, мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонларига қулай шароитлар яратиш, иқтисодий юксалиш кўламини янада оширишга қаратилгандир.

**Матёқуб НАРЗИЕВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди
## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*(Боши 1-бетда.)*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг **www.fundngo.uz.** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 18 май соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

*Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтида танишишингиз мумкин:* ***www.fundngo.uz***

*Маълумот учун тел.: 239-26-64; 239-26-76.*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди
## ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: **"Мустақил оммавий ахборот воситаларини (ОАВ) янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий онгини ошириш".**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:

— демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнларини ОАВда кенг ёритиш;

— "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларни ифода этадиган қарорлар ҳақида кенг маълумот олишларини таъминлаш;

— ахборот эркинлигини, аҳолининг маълумот олиш борасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, қарашлари ва муносабатларини эркин баён этишларига зарур шароитлар яратишда нодавлат ОАВларнинг ролини ошириш;

— Ўзбекистонда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиб бориш жараёнларини нодавлат ОАВларда кенг ёритилиши;

— нодавлат ОАВ томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга кўмаклашиш;

— миллий матбуотнинг сифати, кадрлар маҳорати ва самарасини изчил ошириш;

— ОАВларининг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш;

— аҳолининг экологик, тиббий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, аҳоли, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарғибот ва инсон равнақи йўлидаги ишларни кенг ёритишда нодавлат ОАВларининг ролини ошириш;

— ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, ахлоқини юксалтириш, уларда миллий қадриятлар ва ўз-ўзини англаш ҳиссини сингдириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz. сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган барча ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 18 май соат 16-00га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтида: **www.fundngo.uz.** танишишингиз мумкин.

*Маълумот учун тел.: 239-26-64; 239-26-76.*

**Маҳаллалар ҳаёти**

# Барака — аҳилликда, ҳамжиҳатликда

*Маҳалла халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, удумлари, қадриятлари тўлатўкис ўз аксини топган бошқарувнинг муҳим бўғини саналади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маҳалла институти фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда.*

Чирчиқ шаҳридаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида ўндан ортиқ миллатга мансуб 2 мингдан зиёд аҳоли тотув ва иноқ яшаб келмоқда. Йиғин қошида яраштириш, ёшлар ва вояга етмаганлар ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш, тўй маросимларини ўтказиш, спорт ишларини тартибга солиш, ободонлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссиялари таҳсинга лойиқ иш олиб бормоқда. Уларнинг ҳар бирига бешолти нафар маҳалла фаоли жалб этилган.

— Ёш авлоднинг таълим-тарбиясида нуронийлар иштироки жуда зарур, — дейди маҳалла оқсоқоли Миркомил Магрубов. — Маҳаллада яшовчи тадбиркорлар ёрдамида кўп қаватли уйлар ҳовлисида болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари қурилди. Кўп аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда тўй-ҳашамларнинг ихчам, чиройли ўтиши, ёш оилалардаги келишмовчиликлар биргина маслаҳатчи ёки посбоннинг саъй-ҳаракати билан битадиган иш эмас. Бунда, албатта, ҳаётий тажрибага эга маҳалладошларимиз, кўпни кўрган нуронийлар кўмагига суянамиз.

Чиндан ҳам аҳилликда, ҳамжиҳатликда гап кўп. Фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Зулхумор Назарбоеванинг таъкидлашича, ҳозирги кунда маҳаллада ўзаро ҳамжиҳатликда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун улар турли спорт тўгаракларига жалб қилинмоқда. Ҳафтанинг чоршанба куни "Саломатлик куни" куни деб эълон қилинган. Шу куни маҳаллада истиқомат қилувчи балоғат ёшидаги қизлари ҳудуддаги 3-сонли оилавий поликлиникада кўрикдан ўтказилиб, оилани мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллада истиқомат қилувчи йигирмага яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилмоқда.

**Нилуфар НУРМУРОД қизи**

Бугуннинг гапи

# Вақтимиз ҳам, нақдимиз ҳам қўлимизда

Ёшликни умрнинг энг гуллаган даври деймиз, қиёсан баҳорга ўхшатамиз. Бу бежиз эмас. Ёшлик ҳар жиҳатдан баркамоллик, етуклик палласи. Бу даврда олинган билим тошга битилган нақшга, ўрганилган ҳунар олтинга тенгдир. Шу боис ҳам ёшликни беҳуда ўтказмай, унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланганлар қариганда ҳузур-ҳаловатда умргузаронлик қилишади.

Дунё кундан-кунга тараққий этиб бормоқда. Илм-фан ривожланиб, ҳар бир соҳа компьютерлашмоқда. Бу яхши, албатта. Хўш, ана шундай қулай шарт-шароитлардан бугуннинг ёшлари қандай фойдаланишяпти? Улар кўрсатилаётган ғамхўрликларга ўзларининг муваффақиятлари, ютуқ ва фаолликлари билан жавоб қайтиришяптими? Мазкур саволлар билан айрим соҳа вакилларига мурожаат қилдик. Уларнинг мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Кундузхон ГОИПОВА, Наманган юридик коллежи ўқитувчиси, ҳуқуқшунос:**

— Бугун мамлакатимизда ўқийман, изланаман деганга барча шароитлар яратилган. Имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзининг билими, юксак салоҳияти билан тенгдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлаётган, изланишлари натижасида сезиларли ютуқларни қўлга киритаётган ёшлар талайгина. Улар илм-фан чўққиларини забт этишда, санъат ва спортда юксак натижаларга эришиб, мамлакат довруғини оламга ёймоқда.

Хусусан, бизнинг коллеж жамоаси ҳам республикамиз миқёсида ўтказиладиган «Ёш ҳуқуқшунослар», «Ҳуқуқ билимдонлари», «Конституция – бахтимиз пойдевори» кўрик-танловларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Шундай кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, ўзининг билимларини намоён эта олган ўқувчиларимиздан бир қанчаси бугун қатор олий таълим даргоҳларида таҳсил олишмоқда. Улар орасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар, малакали юристлар, ҳуқуқшунос-ўқитувчилар етишиб чиқмоқда. Албатта, биз бундан фахрланамиз.

Бироқ яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш ўрнига 5-10 йилдан сўнг олтинга ҳам тенгдош топилмайдиган вақтини беҳуда ўтказаётган ёшлар ҳам учраб туради. Улар дарсга ўз вақтида келмай, бўлар-бўлмас ишларга чалғиб қолишади. Уззу-кун интернет-кафеларга кириб олиб, компьютер ўйинларига, интернетга муккасидан кетишади. Беҳуда ўтказилган ҳар бир дақиқа ўзларининг келажагига зарар келтираётганига эса эътибор қилмайдилар.

**Икромжон САТТОРОВ, Наманган туманидаги «Ғалча» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:**

— Бугун юртимизда ёш авлодни тарбиялаш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб воягa етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ўғлонлар етишиб чиқмоқда. Албатта, ўзининг муваффақияти билан дунёга танилаётган, жаҳон ареналарида «Ўзбек» деган номнинг юксалишига хизмат қилаётган ёшлар бизнинг вилоятда ҳам кам эмас. Қишлоғимизнинг номи бугун нафақат республикамиз, балки чет давлатлардаги футбол ихлосмандларига ҳам яхши таниш. Чунки айни пайтда мамлакатимизнинг энг яхши футболчиси ҳисобланган Одил Аҳмедов мана шу қишлоқнинг фарзанди.

Бундан йигирма йил олдин замонавий таълимга мўлжалланган коллеж, қишлоқ ёшларининг футбол билан шуғулланишлари учун мини футбол майдончаларини бунёд этиш кимнинг хаёлига келганди, дейсиз? Бугун эса бу ишлар оддий воқеликка айланди. Қолаверса, бу ғамхўрликларга жавобан ўзининг билими, қобилияти билан турли муваффақиятларни қўлга киритаётган ёшлар кўп. Бироқ улар орасида «тўқликка шўхлик» қилиб, яратилган қулайликлардан унумли фойдаланиш ўрнига такасалтанг ёшлар ҳам учраб туради. Биз бундайлар билан профилактика инспекторлари ёрдамида мунтазам шуғулланамиз.

**Шуҳратжон АБДУРАҲМОНОВ, врач-нарколог:**

— Ёшлар эртамиз эгалари экан, биринчи навбатда уларни баркамол этиб тарбиялашимиз лозим. Шу нуқтаи назардан сўнгги йилларда инсониятга жиддий хавф солаётган турли хасталиклар, ичиш, чекиш, гиёҳвандлик каби иллатлардан юртимиз ёшларини асраш муҳим вазифа. Бу борада ҳукуматимиз томонидан бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Алкоголь, тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши, истеъмол қилинишини чеклашга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шак-шубҳасиз буларнинг замирида фарзандларимизнинг саломатлиги, ёшларни турли иллатлар домидан асраш кўзда тутилган. Аммо ҳали-ҳануз айрим ёшлар юқоридаги каби ёқимсиз одатларни тарк эта олишмаяпти. Яширишга ҳожат йўқ, барча иллатларнинг фарзандларимиз орасида тарқалишига аксарият ҳолларда ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўладилар. Улар турмуш ташвишлари билан овора бўлиб, фарзандларини назоратсиз қолдиришлари, оилавий низолар ва бошқа муаммолар юқорида таъкидланган каби ҳолатларга олиб келади.

Дарҳақиқат, бугуннинг ёшлари учун нимаики зарур бўлса барчаси муҳайё. Фақат бундан тўғри фойдалана олиш керак. Кашф қилинган ҳар бир технология эзгу мақсад ила яратилади. Шундай экан, бугунги мавжуд шарт-шароитлардан эзгулик йўлида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Баҳодир МЎМИНОВ, журналист**

Ёшлар минбари

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг кўплаб орзу-ниятлари амалга ошa бошлади. Оила даврасида ҳузур-ҳаловат билан умргузаронлик қилиш бахтига муяссар бўлдик. Ота-оналаримиз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармоқда, ака-укаларимиз билим олиш, севган машғулотлари билан шуғулланиш учун яратилган барча имкониятлардан фойдаланиб келмоқдалар.*

# Тараққиёт пиллапоясида

Телекўрсатувлар, бошқа оммавий ахборот воситалари орқали оламда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кўриб, ўтаётган ҳар бир куннинг қадр-қимматини англай бошлайсан, киши. Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли фундаментал асарини ўқир эканман, биз етишган бу кунлар чинакам бахт эканини англаб етдим.

Ота-онам ҳам гоҳо оила даврасида ўзлари гувоҳ бўлган ўтган кунларини эслаб, чуқур андуҳ тортиб, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз учун шукроналар айтишади. Бизни эса энг улуғ, энг азиз неъмат — Мустақилликнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, набираларини ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашимизга даъват этиб, истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, уни келажак авлодга бекаму кўст етказишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозимлигини бот-бот таъкидлайдилар.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда ҳар қандай, хоҳ ички, хоҳ ташқи масала бўлсин, барчаси қонун деган тарози билан ўлчанадиган бўлди. Бошбошдоқлик, буйруқбозликларнинг олди олинди. Ҳуқуқшунос бўлганим учун ҳам соҳадаги туб ўзгаришларни муттасил кузатиб, ўрганиб бораман. Қонунларимиз халқаро қонунчилик нормалари ва тажрибаси чуқур ўрганилган ҳолда, миллий минталитетимизга мослаштирилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бош Қомусимизнинг муқаддима қисмида ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устунлиги тан олинган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ратификация қилди. Бола ҳуқуқлари Конвенциясига қўшилди. Бундан ташқари, Конституциямиз муқаддимасида демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш каби чуқур ғоялар ҳам ўз аксини топган.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Юртбошимизнинг “Мустақиллик ҳуқуқ демакдир”, “Иқтисодиёт ва маънавият – бир қушнинг ажралмас қанотларидир, уларни бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Биз ўз тараққиётимизда иқтисодга қанча эътибор қаратсак, ҳуқуқ ва маънавиятга шунча эътибор қаратамиз. Маънавиятга давлат харажатларини камайтиришга йўл қўйилмайди”, деган фикрлари бугун ўз тасдиғини топмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда биргина таълим, манавият, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сарфлари давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини, таълим-тарбия ишларига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизи харажат қилинаётгани ҳам юқоридаги фикримизга мисол бўлади.

Юртбошимиз БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади.

Халқимиз, айниқса, биз — ёшлар ўзимиз учун яратилаётган барча имкониятлардан унумли фойдаланиш, орттирган билим ва тажрибаларимизни мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни ёмон кўзлардан, ғаразли мақсадлардан сақлаш учун маънан етук, баркамол авлод бўлиб етишишга бурчлимиз.

**Азизхон НОДИРОВ, “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ юридик бошқармаси бош мутахассиси**

Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг!

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳар бир фаслнинг ўзига хос жиҳатларини пухта ўрганиб, махсус тайёргарлик кўриб, фавқулодда ҳолатларга доимо шай туради. Маҳаллаларда, ўқув масканларида ҳамда жамоат жойларида бўлиб, ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида жамоатчилик билан мулоқотлар уюштирадилар, кўргазмали тушунтириш ишларини олиб боришади.

## «01» эмас, «101» эшитади

Афсуски, тажриба шуни кўрсатадики, айрим фуқаролар бу огоҳлантиришларни жиддий қабул қилмайдилар. Яшаш жойларида ҳам, ишхоналарида ҳам ёнғин хавфига бепарво муносабатда бўладилар. Кўп бора таъкидланишига қарамай, кўп қаватли бинoларда истиқомат қилувчилар турар жой биноси атрофидаги бўш ерларни ўзлаштириб, атрофини темир тўсиқлар билан ўраб қўйиш ҳолларига дуч келамиз. Уйларнинг ёнидаги йўлакларга автоуловлар ўтиб бўлмас даражада темирбетон тўсиқлар ўрнатилгани ҳам бизнинг ишимизга халақит беради. Натижада ёнғин содир бўлганда, ёнғин ўчириш автоуловлари воқеа содир бўлаётган жойга ўз вақтида етиб боролмаслигига сабаб бўлади.

Баъзи ҳолларда юртдошларимизнинг оловдан, газ плитасидан фойдаланишдаги эҳтиётсизлиги, айниқса, уй бекаларининг ёғни доғлаётганда бепарволиги туфайли кўнгилсиз ҳолатлар рўй беради.

Яна бир муҳим маълумот: Тошкент шаҳар ҳудудида Ёнғин хавфсизлиги бўлими чақирув хизмати рақами ўзгарди. Ёнғин хавфсизлиги бўлими рақами энди авваргидек «01» эмас, «101»дир.

**Дилмурод ЭРГАШЕВ, Ҳамза тумани ИИБ ЁҲБ муҳандиси, кичик сержант**

Реклама ўрнида

КАМАРБАСТАЛИК

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг филиалларида олиб борилаётган ибратли ишлар эътирофи

*«Агробанк» ОАТБ Хоразм вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга доир қарорларида соҳа олдига қўйилган устувор вазифалар, шунингдек, Марказий банк ва республика «Агробанк»и томонидан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур банкнинг вилоят бошқармаси таркибида 2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра 12 та филиал, 45 та мини банк ва 17 та махсус касса фаолият олиб бориб, аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти. Банк мижозлари сони бугунги кунда 17008 тани ташкил этади. Ўзаро 11345 та қишлоқ хўжалиги корхонаси, 167 та бюджет, 34 та қурилиш, 187 та савдо, 17 та транспорт хизмати кўрсатиш ташкилотлари, 16 та саноат ҳамда 4042 та кичик бизнес корхоналаридан иборат. Шунингдек, 1200 та бошқа турдаги корхоналар ҳам мавжуд. Жорий йил бошидан банкнинг жами кредит қўйилмаси 74 миллиард 450 миллион сўмни ташкил қилади. Жами кредит қўйилмасининг 31 миллиард 605 миллион сўми (ёки 42,5 фоизи) қисқа муддатли ва 42 миллиард 845 миллион сўми (ёки 57,5 фоизи) узоқ муддатли кредитларни ташкил қилади.*

Аниқ режалар асосида фаолият юритаётган банк асосий эътиборни ўзининг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилишга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ҳамда аграр соҳа корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича уларга молиявий кўмаклашишга қаратмоқда.

Бошқарма жамоаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 декабрдаги «Республикада 2012 йилда мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, уларга талаб этиладиган моддий ресурсларини етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги йиғилиш баёнига мувофиқ туман филиалларида бир қанча ибратли ишларни амалга оширди. Масалан, аҳоли томорқаларига экиш учун зарур бўлган ҳар хил турдаги мевали кўчатлар, сабзавот ва полиз экинлари уруғлари ҳамда деҳқончиликка зарур иш анжомларини етказиб бериш бўйича 39 та махсус кўчма дўконлар ташкил қилинди. Аҳолига енгиллик яратиш мақсадида уларнинг ҳар бирига пластик карточка билан савдо қилиш учун терминаллар ўрнатилди.

Муҳим жиҳати, кам таъминланган оилалар томорқаларига 13 миллион 200 минг сўмлик кўчат, уруғлик ва иш анжомлари ҳомийлик асосида етказиб берилди. Айни кезда кўчма дўконларда ҳисоб-китоблар нақд пул ва пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Кам таъминланган оилалар томорқалари учун эса 3 миллион 500 минг сўмлик уруғлик ва иш анжомлари ҳомийлик асосида етказиб берилди. Аҳолининг коммунал тўловларидан қарзини камайтириш мақсадида ташкил қилинган ушбу кўчма дўконлар орқали коммунал тўловларни амалга ошириш ҳам йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, “Агробанк” ОАТБ вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам эътиборга молик саъй-ҳаракатлар олиб борилди. Чунончи, апрель ойи бошидаги маълумотга кўра, 1 миллиард 613 миллион сўмлик кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 1 миллиард 955 миллион сўмлик банк кредитлари узатилди. Бу белгиланган режа 121 фоиз бажарилди, деганидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги “Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси борасида бажарилган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Рақамларда ифодаланганда бу борада шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 1 миллиард 736 миллион сўмлик кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлса, амалда у 2 миллиард 89 миллион сўмни ташкил этди.

2012 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тасдиқланган Давлат дастурида белгиланган вазифаларни адо этиш мақсадида бошқарма филиаллари 1292 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратган ҳам эътиборлидир. Шундан чорвачиликни ривожлантиришга 48 миллион сўм, парандачиликка 98 миллион, балиқчиликка 300 миллион, асаларичиликка 20 миллион, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 450 миллион ва сервис соҳасини ривожлантиришга 307 миллион сўм миқдорида кредитлар улашилди. Бу кўрсаткични «Агробанк» ОАТБнинг биргина Гурлан филиали мижози ҳисобланган “Ўктам Мадина» фермер хўжалиги мисолида оладиган бўлсак, бу тадбиркорлик субъектига гўшт, сут маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйиши учун 48 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Натижада ушбу кредит ҳисобига хўжаликда 5 та янги ишчи ўрни яратилди. Ҳозирги кунда фермер хўжалигида наслли қорамол сони 10 бошга кўпайди. Бугун бу жамоа қарамоғида 52 бош наслли қорамол парвариш қилинмоқда. Янгиариқ, Қўшкўпир, Хива филиалларида ҳам ана шундай ибратли ишлар ўз самарасини берди.

Ўтган давр ичида бошқарма тизимида тўлов пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ўсди, банкоматлар ва терминаллар сони ортди, иш ҳақларини пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилувчи корхоналар сони 354 тага етказилди. Нақд пул билан савдо қилувчи шохобчаларга 1654 та терминал ўрнатилиб, фуқароларга 108 мингдан зиёд пластик карточка тарқатилди.

Хуллас, «Агробанк» ОАТБнинг Хоразм вилоят бошқармаси ва туман филиаллари 2012 йил — Мустаҳкам оила йилида ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда.

**Ислом СУЛТОНОВ, «Hurriyat» мухбири**

Эркин фикр

# МАЪНАВИЯТ ТАРБИЯСИ

## ёки айрим радиоларнинг «ўйин»лари

**Шукурки, нурафшон тонглар отадиган юртда, меҳр-саховатли, олижаноб одамлар орасида эзгу орзуларимизни эмин-эркин амалга ошира оладиган даврда яшаяпмиз. Тараққиёт маҳсулидан унумли фойдаланиб, илм чўққиларини забт этишимиз, билимимизни бойитишимиз мумкин.**

Бунда, албатта, биз ҳар куни мурожаат қиладиган, дунёда ва теграмизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бизни бохабар этадиган оммавий ахборот воситаларининг ҳам муносиб ўрни бор. Масалан, ҳаммамиз ҳар куни радио тинглаймиз. Ундан тараладиган тароналар кайфиятимизни кўтаради, янги марралар сари руҳлантиради. Кўнглимизда меҳр-муҳаббат туйғусини жўш урдиради. Айтиш мумкинки, бугунги кунда радио соҳаси жуда ривожланиб кетди. Хусусан, мамлакатимизда ўнлаб хусусий радиоканалларнинг пайдо бўлиши ўзаро соғлом рақобатни юзага келтирди. Шу боис, радиоканаллар томонидан ўз тингловчиларини кўпайтириш мақсадида турли кўнгилочар эшиттиришлар тайёрланиб эфирга узатилаётганини тўғри тушуниш мумкин. Лекин, афсуски, айрим радиоканалларда, саёз савияли эшиттиришлар, жумладан радио ўйинлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Куни кеча хусусий радиоканаллардан бирида қўшиқ тинглаб тургандим. Бирданига савол-жавоб ўйини бошланиб қолди. Бошловчи томонидан таниқли хонанданинг таваллуди қачон экани савол қилиб берилди. Тингловчилар эса ўша хонанданинг қўшиқлари тўпламига эга чиқиш илинжида жавоб беришга ҳаракат қила бошлашди. Табиийки, уларнинг кўпчилиги ёшлар эди. Хўш, бундан кимга фойда-ю, кимга зарар? Аллақайси қўшиқчининг қачон туғилганидан кўра, тингловчига маърифий тушунча берувчи буюк бобокалонларимизнинг ҳаёти ва ижоди хусусидаги савол-жавоблар ташкиллаштирилса, билимдонларга китоблар совға қилинса, қандай ажойиб иш бўларди. Бундай дейишимнинг сабаби, айрим тенгдошларим фалончи актёрнинг қачон туғилганини билади-ю, Алишер Навоийнинг қачон таваллуд топганидан бехабар, қайсидир санъаткорнинг ҳамма қўшиғини айтиб беради-ю, бироқ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ғазаллари, рубоийларини ёддан айтиб бера олмайди. Фалончи гуруҳнинг нечта альбоми сотувга чиқарилганидан хабардор, аммо Огаҳийнинг қанча жанрда шеър ёзганини билмайди...

Китоб четга сурилиб турган ҳозирги замонда бизнинг буюк бир миллат сифатида танилишимизга ўзининг улкан ҳиссасини қўшган аждодларимиз ҳаёти, фаолияти, ижоди ҳақида радио орқали маълумотлар берилса, яхши эмасми? Ахир, ҳар қандай тамаддун маҳсули инсон учун, унинг маънавияти учун хизмат қилиши лозим эмасми? Балки бундай радио ўйинларнинг моҳиятида актёру хонандаларнинг рекламаси муҳим роль ўйнаётгандир. Лекин, фикримча, миллат ва унинг фарзандлари манфаати ҳар нарсадан юқори туради. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир». Бундай масъулиятли ва шарафли бурчни, вазифани адо этишда оммавий ахборот воситалари, чунончи, барча радиоканалларнинг бизга яқин кўмакдош бўлиши шарт, деб ўйлайман. Шундай эмасми?

**Садоқат ҲАЙИТОВА,**
**Каттақўрғон қишлоқ**
**хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси**

**Ҳеч бир воқелик ўз-ўзидан содир бўмайди. Унинг юзага чиқиши учун минглаб омиллар роль ўйнайди. Аввал ҳаракат, кейин унинг аломатлари зоҳир бўлади, ортидан кутилган натижа юзага чиқади.**

**Журналист сифатида дунё оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган ахборотларни, жаҳондаги геосиёсий жараёнларни катта қизиқиш билан кузатаман. Бир қараганда хориж оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ҳар бир хабар, янгилик, шарҳ ва маълумотлар ҳақиқатдай кўринади. Аммо уларни чуқурроқ таҳлил қилиб, уйғоқ шуури билан фактлар чоғиштириб кўрилса, мутлақо ўзгача талқин юзага чиқади. Ҳар бир ахборотда кимнингдир ёки қайсидир гуруҳнинг манфаатлари, устунлиги яққол кўзга ташланади.**

# Ахборот майдонидаги англанаётган ҳақиқат

Бугун ахборотдан сиёсий қурол сифатида фойдаланувчилар сафи кенгайиб бораётгандай. Илм-фаннинг жадал ривожланаётгани, янги технологияларнинг кенг тарқалаётгани, оммавий ахборот воситалари аудиторияси таъсирини кескин ошириб юбормоқда. Айниқса, энг қулай, арзон, тезкор ва самарали восита — интернет бу борада ўзига хос роль ўйнаяпти. Биргина ижтимоий тармоқларнинг ўзидан ҳозир қарийб 1,5 миллиард киши фойдаланаётгани фикримизнинг тасдиғидир. Бу, ўз навбатида, ҳар бир кишидан ахборот ҳақида тасаввурга, зарур маълумотларга эга бўлиш, шунингдек, янгиликларни қабул қилиш маданиятини шакллантиришни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, ахборот инсон тафаккурини янги ғоя, фикрлар билан бойитувчи, уларни сўнгги илм-фан ютуқларидан, илғор тажрибалардан бохабар қилувчи катта куч сифатида мафкура майдонида ҳукмронлик қилмоқда.

Психологларнинг таъкидлашича, инсон онги ахборотни қабул қилиб олганидан бошлаб йигирма сония давомида фақат туйғулари, ҳиссиётлари тасарруфида бўлар экан. Ғайриинсоний мақсадлар кўзланган ахборот эса, аввало, киши ҳис-туйғуларини қўзғатиш, жунбушга келтиришга қаратилади. Шу мақсадда ғаразли кучлар томонидан ахборот хуружи йўналтирилган давлат, миллат ва гуруҳларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари, асрлар давомида эъзозлаб келинган миллий анъаналари, эътиқоди, муқаддас деб билган қадриятлари чуқур ўрганиб чиқилади ва энг нозик томондан таъсир этишга ҳаракат қилинади. Дунёнинг айрим мамлакатларида айни шу жиҳат улкан можароларни, бошбошдоқликларни келтириб чиқарганига тарихий далиллар, ҳаётий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: таҳлика, ва саросима уйғотувчи, жаҳл ва жазавага туширувчи кучга эга ахборотларнинг чегарасиз кириб келиши ҳамда қаршиликларсиз қабул қилиниши миллат маънавияти, тафаккури-ю дунёқарашига салбий таъсир қилиши мумкин.

Ҳар бир миллат ўзига хос характерга эга. Бир миллатда қадрланган анъана бошқа миллат учун аҳамиятсиз бўлиши табиий. Дейлик, Францияда хиёнат эр-хотиннинг қонуний ажрашишлари учун асос ҳисобланмайди. Бунинг учун улар бошқа сабаб топишлари лозим. Фарзандларнинг ота-оналарига гап қайтаришлари, ҳар бир масалада қонуний тенгликни талаб қилишлари кўпчилик халқларда табиий ҳол сифатида қабул қилинади. Яна бир масала — қабул қилинаётган ахборотларнинг қайси манбадан эканлиги, унда ҳар бир томоннинг қарашлари ва манфаатлари акс эттирилгани, ахборотни узатаётган шахсларнинг мавқеи, уларнинг бундай ваколатга эгалигини аниқлаш ҳамда ҳар бир ахборотга субъектив ёндашиш муҳимдир.

Бугун тобора кенгроқ кўламда тарқалиб бораётган ахборотлар, айниқса, ёшлар, ўсмирлар ва болалар онгу тафаккурига салбий таъсир кўрсатадиган ахборот хуружи турли ижтимоий хасталиклар — руҳий тушкунлик, стресс, ишончсизлик, қўрқув, миллатчилик, айирмачилик каби салбий оқибатларни пайдо қилиш мумкин. Бир мисол: яқиндагина Франция жанубидаги Тулуза шаҳрида бўлиб ўтган қотиллик ҳам ахборот сифатида ўша ҳудудда аҳоли ўртасида саросима ва ваҳима уйғотганига эътибор қаратайлик. Бу ахборот аслида кимнинг манфаатига хизмат қилгани ҳозирча номаълум. Бироқ, ундан кўпчилик жабр кўргани аниқ.

Шу боис Президентимиз таъкидлаганидек, барчамиз аввало ўзимизда ғоявий иммунитетни шакллантиришимиз, ҳар бир вазиятга шошма-шошарлик билан эмас, босиқлик мулоҳаза билан баҳо бера олишимиз зарур.

**Санжар РУСТАМОВ,**
**журналист**

Тадбир

# Касбга йўналтириш — ОАВ эътиборида

**Пойтахтимиздаги «Shodlik Palace» меҳмонхонаси мажлислар залида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Мамлакатда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзуидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда сўз олган Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Иқбол Мирзалиев, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Баркамол авлод» республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори Зокир Товбоев, Республика Ташхис маркази директори ўринбосари Камолиддин Жўрабоев ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиш, иш билан таъминланишига давлатимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан катта эътибор қаратилаётгани, шунингдек, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди.

— Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари иш берувчи корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, улар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартномалар тузиш йўлга қўйилди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдухалил Раҳмонов. — Бу ўз самарасини бермай қолмаяпти. Жумладан, 2011 йилда 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди. Бундан кейин ҳам мамлакатимизда мазкур йўналишда кўплаб чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Ҳукумат қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилгани ҳам фикримиз исботидир.

Ёшларни иш билан таъминлаш ва мутахассисликка йўналтиришда мунтазам равишда ташкил қилиб келинаётган «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг» мавзуидаги кўргазмаларнинг ҳам аҳамияти катта бўлаяпти. Бунда улар иш берувчи корхоналарда яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар, уларда мавжуд мутахассисликлар билан яқиндан танишиб, ўзларига маъқул иш танлайдилар. Бу борада намунали иш олиб бораётган корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тарғиб қилиш, оммалаштириш, соҳага жалб қилиш ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг турли иллатлар таъсирига тушиб қолмаслги ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашишда ОАВ вакиллари масъулиятини ҳам янада кучайтириш лозим.

Баҳс-мунозараларга бой ўтган тадбир давомида мутахассислар журналистлар ҳамда бошқа иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

**Ризваной НИЗОМОВА**

Очиқ хат

# «САДО»ГА АКС-САДО

**Ҳурматли Баҳриддин Мингбоев, яқинда «Садо» газетасининг (2012 йил, 1 март, 9-сони) «Акс-садо» рукнида эълон қилинган «Миллий сериал ривожланиш босқичида» деб номланган мақолангизни ўқиб, кўнглимда айрим мулоҳазалар туғилди. Унда мен муаллифи бўлган мақола ҳақида фикр юритган экансиз. Таассуротларимни минг истиҳола билан бўлса-да, сиз билан ўртоқлашишга қарор қилдим. Аввало, «Hurriyat» газетасини кузатиб боришингиз, куюнчаклик билан газетада эълон қилинган «Сериаллар ортидаги иллат» мақоласига муносабат билдирганингиз, бу мавзу сизни ҳам бефарқ қолдирмагани учун ташаккур.**

*Маълумки, газета фуқаролар ўз муносабатини эркин баён қиладиган минбар ҳисобланади. Холис, ўринли фикрлар ҳеч қачон назардан четда қолиб кетмайди. Билишимча, у «акс-садо» бўладими ёки «раддия»ми мақола қайси газетада эълон қилинишига қараб ўша нашрда чоп этилиши ўринли бўларди. Сиз ўзингизга қулайроқ йўлни танлабсиз, шекилли.*

*«Акс-садо»ингизга келсак, тўғриси, «Сериаллар ортидаги иллат» мақоласини ҳафсала билан ўқиганингизга шубҳа қилдим. Фикрларингиздаги тарқоқлик, нотўғри маълумотлар шундай дейишимга сабаб бўлмоқда.*

*Албатта, ҳар бир эътироз изоҳ талаб этади. Аввало, баҳсга сабаб бўлаётган ўша мақола сиз айтгандек, газетамизнинг* ***2012 йил 8 февраль сонида эмас, 1 февраль сонида еттинчи саҳифада эълон қилинган****. Мақола ҳақидаги «бироз ташвишли», «ечимсиз қолган» деган сўзларингизни эса, очиғи, у қадар тушунмадим. Агарки, ўртага қўйилган масала миллат, шу миллатнинг ёшлари, келажаги тарбияси ҳақида кетаётган экан, бу борада ҳиссиётсиз ёзиш, ташвишланмаслик, наҳотки, мумкин бўлса?*

*Бир ўринда шундай ёзгансиз:* ***«Бугун телесериал қаҳрамони томонидан айтилган гап эртага омма орасида тарқалиши, унинг кийган либоси қисқа вақт ичида «Отчопар»*** *(«Чилонзор» буюм бозорини назарда тутгансиз шекилли?),* ***«Чорсу» бозорида харидоргир бўлиши мумкин. Бироқ бу билан сериаллар ёшлар онгини заҳарлаяпти, деган тушунча ўринсиз».*** *Шу икки жумланинг ўзида ўзингизни ўзингиз рад этгансиз. Айтингчи, хорижий телесериаллар қаҳрамонлари номи берилган материаллардан худди уларнинг услубида ярим яланғоч кўйлаклар тиктириб кияётган сочларини қирқиб, алламбало рангларга бўяётган ёшларни маънан юксак, дея оламизми? Ишончим комил, «Ҳа», дея олмайсиз... Наҳотки, Ғарбдаги муаммоларни, қонхўрлик, хотинбозликни кўрсатавериш, бошқача айтганда тарғиб қилиш, оила мустаҳкамлигию жамият ривожига фойда беришига ишонсангиз?*

*Давом этамиз:* ***«Озарбойжонда турк сериалларининг тўхтатилишига уларнинг дубляжсиз берилиши натижасида ёшлар ўз она тилларини бузиб гапира бошлашлари сабаб бўлган»,*** *деб ёзибсиз. Аммо, камина бу мамлакатда биргина турк сериаллари эмас, барча хориж сериалларининг намойиши тўхтатилиши хусусида ёзгандим. Эътиборингиз учун нафақат Азербайжан* ***(Озарбойжон эмас!)****да, балки яқиндан бошлаб Хитойда ҳам Ғарб маданиятининг ёшлар онгига салбий таъсирини камайтириш мақсадида хориж сериалларини намойиш этишга чекловлар қўйилди. Эндиликда кечки соат $19^{00}$ дан $22^{00}$ гача бўлган вақт давомида чет элда ишланган сериаллар Чин ўлкасида ойнаи жаҳон орқали намойиш этилмайди. Бунисига нима дейсиз?!*

*Яқинда ойнаи жаҳонда эфир юзини кўрган тунги «капалак»лар, сауналар, маҳаллаларда ин қурган фоҳишахоналар хусусидаги ўзингизга маълум кўрсатувни кўрган бўлсангиз керак. Хўш, бундай чиркин ҳолатлар бизда қачон томир отиб улгурди? Ёки аввалдан шундай бўлиб келганмиди? Назаримда, бунинг замирида ҳам интернет воситалари, сериаллар, кинофильмлар орқали тиқиштирилаётган «оммавий маданият» ниқобидаги бузғунчи ғоялар турганини, наҳотки, англамаётган бўлсангиз?! Бунинг учун «Сериаллар ортидаги иллат» мақоласига ҳамоҳанг равишда таъкидлаганингиздек, фақат ва фақат тарбиявий аҳамиятга эга миллий сериалларни кўпайтиришга эътибор қаратиш зарур. Шукурки, бу борада катта ҳажмда ишлар қилинаётир.*

Акс садо
**МИЛЛИЙ СЕРИАЛ — РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА**
Баҳриддин МИНГБОЕВ.

*Ўрни келганда алоҳида таъкидлашим жоиз, мен телевидение ва унда хизмат қилаётган кўп сонли заҳматкаш инсонларни айблаш ниятидан жуда-жуда узоқман. Бу борада каминани нотўғри тушунган кўринасиз. Эътиборингиз учун, мунозарага сабаб бўлаётган мақолада миллий сериаллар яратиш бўйича қилинаётган ибратли ишлар ҳам алоҳида тилга олинган. Қолаверса, агар ўша мақолани чиндан ҳам ўқиган бўлсангиз, унда Венесуэла кино ижодкорлари томонидан яратилган «Морена Клара» сериали ҳақида сўз юритилган. Сиз шу телесериалнинг тарбиявий аҳамияти хусусида чиқиш қилганингизда, нима демоқчи бўлганингизни тушуниш мумкин эди. Шу боис, сизнинг муносабатингиз тушунарсиз ва асоссиз уринишга ўхшаб қолган.*

*Ушбу мақолага шу ерда нуқта қўйилса ҳам бўларди. Аммо сизнинг «акс-садо»ингиз эълон қилинган саҳифада берилган суратни кўриб, ҳайратим янада ошди. Келинг, гапни чувалаштирмай, бир-бирининг пинжига кириб турган шу йигит ва қизнинг ўрнида ўзимизнинг яқин биродаримиз, укамиз, синглимизни тасаввур этиб кўрайлик. Менимча, баҳслашишга ортиқча ҳожат қолмаса керак.*

*Сизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан,*

**Иномжон АБДИЕВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

Дараклар

## «ITALO» ЙЎЛГА ТУШДИ

**Италияда янги тезюрар поезд ҳаракатлана бошлади. Эътиборга молик жиҳати шуки, «Italo» деб номланган ушбу транспорт воситаси хусусий сармоядорларга, аниқроғи, NTV компаниясига тегишлидир.**

«Italo» илк ҳаракатини Рим — Неаполь йўналишида амалга оширди. Ушбу масофа бир соатдан кўпроқ вақт ичида босиб ўтилди. Айтиш мумкинки, бу муваффақиятли чиқди: ҳеч қандай нохушликлар кузатилмади.

Янги тезюрар поезднинг узунлиги 200 метрни ташкил этади. У ҳатто соатига 360 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин. «Italo»да, шунингдек, йўловчилар учун бир қатор қулайликлар яратилган. Масалан, кичик кинотеатр билан жиҳозланган махсус вагон мавжуд.

## АҚШ ОСМОНИДА МЕТЕОРИТ ҚУЛАДИ

**АҚШнинг Невада ва Калифорния штатлари аҳолиси ғаройиб космик ҳодисанинг гувоҳига айланди. Куппакундуз куни минглаб кишилар йирик метеорит қулашини томоша қилдилар. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди.**



Воқеа маҳаллий вақт билан эрталабки саккизлар атрофида рўй берган. Улкан метеорит ўзидан ёрқин из қолдириб учган. Хабарларга кўра, бу ҳолатни Неваданинг Рино шаҳридан то Калифорниянинг Бейкерсфилдигача бўлган ҳудудларда кўришган. Маҳаллий аҳоли вакилларининг таъкидлашича, метеорит кўзга кўриниши билан кучли товуш пайдо бўлиб, уй дерезалари зириллаб кетган.

Экспертларнинг таъкидлашига кўра, метеорит атмосферага кириши биланоқ портлаган. Шу билан бирга, унинг ергача етиб келгани тўғрисида ҳам тасдиқланмаган хабарлар мавжуд.

## ТУРГАН-БИТГАНИ ФОЙДА!

**Дастурхонимиз кўркига айланган банан ҳўл мевалар орасида энг кўп тарқалган. Ширин, тотимли ва нисбатан арзон бўлган ушбу маҳсулот инсон саломатлиги учун ҳам фойдалидир.**

Банан таркибида асосан фруктоза, глюкоза каби қанд моддалари кўп миқдорни ташкил этади. Бундан ташқари, унда бириктирув тўқималари ҳам мавжуд.

Яқинда олимлар банан мевасининг яна кўплаб шифобахш хусусиятларини аниқлашди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу цитрус мева ўз таркибида серотонин ва норэпинефрин деб номланган гормонларни сақлайди. Бу гормонлар эса инсонни руҳий сиқилишдан асрайди. Шугина эмас, банан мевасини кўп истеъмол қилган кишилар ошқозон яраси хасталигига камдан-кам чалинади. Қолаверса, банан қон босимини меъёрлаштириш хусусиятига ҳам эга. Шу боис, у инфаркт ва инсультни даволашда қимматли восита ҳисобланади.

## АВИАҲАЛОКАТДА БИРОН КИШИ ТИРИК ҚОЛМАДИ

**Покистонинг Исломобод шаҳрида авиаҳалокат рўй берганидан хабарингиз бор. Сўнгги хабарларга караганда, «Bhoja Airline» авикомпаниясига қарашли «Boeing 737» самолётининг ҳалокати оқибатида ҳаво кемасидаги барча йўловчилар ва экипаж аъзолар ҳалок бўлган.**

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларда 131 киши бу дунёдан бевақт кўз юмгани айтилмоқда. Чунки ҳалокат пайтида йўловчиларнинг тирик қолиши учун ҳеч қандай имконият бўлмаган.

Карачи — Исломобод йўналишида парвоз қилган «Boeing 737» манзилга яқин қолганида, Ҳусайнобод аҳоли пункти осмонида ҳалокатга учраган. Воқеага гувоҳ бўлган кишиларнинг айтишича, самолёт ҳаводалигидаёқ ёна бошлаган.

Ҳалокатга ноқулай об-ҳаво шароити сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

**Интернет хабарлари асосида Камол ОЛЛАЁРОВ тайёрлади.**

“Ўзвиносаноат-Холдинг” компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

**Иш тартиби: душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.**

**Тел.: 244-39-47, 244-50-54.**

Шарҳ

# ЁШЛАР МУАММОСИ — АСР МУАММОСИ

**Кеча сайёрамизда — 24 апрель Халқаро ёшлар бирдамлиги куни кенг нишонланди. Бу яна бир бор эртанги кун эгалари, тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш ёшлар муаммоларига эътибор қаратиш имконини берди. Маълумки, Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг қарорига кўра, 1957йилдан бери ҳар йили мазкур сана нишонланиб келинади. Ёшлар ва жамоат ташкилотлари, ўз фарзандлари ва набираларининг келажагига бефарқ бўлмаган, одамлар, аҳолининг кенг қатламлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ёшларнинг ижодий ва маънавий камолотини юксалтириш, жамиятлардаги ўткир иқтисодий, ижтимоий, илмий техникавий муаммоларни ечиш имконини беради.**

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда дунё аҳолисининг 18 фоизини ёшлар ташкил этади. Ер курраси ёшларининг 85 фоизи эса ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Тан олиш жоизки, ҳозирги глобал молиявий қийинчиликлар даврида ишсизлик, ёшлар ва ёш оилаларни уйжой билан таъминлаш, уларни зарарли ғоялардан асраш, маънавиятини мустаҳкамлаш масалалари даврнинг энг ўткир муаммоларидан бўлиб қолаяпти.

23 апрель куни БМТнинг аҳолишунослик ва тараққиёт бўйича коммиссиясининг 45-сессиясида сўзга чиққан БМТ бош котиби Пан Ги Мун ёшлар билан ҳамкорликда ишлаб, улар учун келажак яратамиз, дея баёнот бердики, бу ҳам халқаро ҳамжамиятнинг ёшлар масаласига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

— Ёшларнинг келажакка ишончи катта, бироқ улар фақат умидларнинг ўзи билан яшай олмайдилар. Улар озиқ-овқатга, иш ўринларига, соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлардан баҳраманд бўлишга муҳтож, деди — Пан Ги Мун.

Маълумки, XX асрнинг сунгги саммити ҳисобланган БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилги сессиясида янги мингйилликнинг Декларацияси қабул қилиниб, унда инсоният олдида турган 8 та энг асосий муаммони ҳал этиш вазифаси белгилаб олинган эди. Дунёда қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш, фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини таъминлаш, эркак ва аёллар тенглигига эришиш, болалар ўлимини камайтириш, оналар соғлиғини яхшилаш, орттирилган иммун тақчиллиги вируси, безгак сингари оғир касалликларга қарши кураш, экологик барқарорликни таъминлаш, тараққиётга эришиш мақсадида глобал ҳамкорликни кучайтириш дунёнинг 185 мамлакати раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатда ўз аксини топган эди. Таассуфлар бўлсинки, ўтган 12 йилда дунёнинг қатор давлатлари ана шундай муаммоли масалаларни ҳал этиш имконига эга бўлмадилар. Бунга глобал миқёсда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳам келиб қўшилди, дейиш мумкин. Таҳлилчиларнинг қайд этишларича, 2012 йилда ҳам инқироз давом этиб, ишсизлик даражасининг ўсиши кутилмоқда. Бугун дунёда 1,3 миллиард киши ўта қашшоқ ҳолда кун кечираётганини инобатга олсак, БМТнинг 15 йилга мўлжалланган дастури нечоғли муҳим масалаларни қамраб олганига ишонч ҳосил қиламиз. Табиийки, бу ҳолат кўпроқ ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами — ногиронлар, аёллар, болалар ва қарияларга таъсир этади. Қашшоқлик, очарчилик ва турли юқумли касалликларнинг уруғчиши, тенгсизлик, ижтимоий адолатсизлик ва зўравонлик каби муаммоларнинг ечими эса бевосита молиявий масалалар билан боғлиқлиги дунё давлатларини мураккаб аҳволга солиб қўяётгани, аччиқ бўлса-да, ҳақиқат. БМТ ҳисоботларида таъкидланаётганидек, ўтган йили 75 миллионга яқин ёшлар ишсиз бўлган. Тахминан 900 миллион атрофидаги ёшларнинг эса тўйиб овқат емаслиги маълум бўлди. 100 миллиондан ортиқ ўсмирлар эса мактабга қатнаш бахтидан мосуво. Энг ёмони, ҳар куни 2000 нафардан ортиқ ёшлар ВИЧ вирусини юқтириб олади. Айрим мамлакатларда эрта никоҳдан ўтиш ҳолатларининг кўпайиб бораётганлиги ҳам ўткир муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолатлар аёллар ва болалар ўртасидаги ўлим ҳодисалари кўпайиб бораётганлигининг бош сабабчиси эканлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

БМТ Бош котибининг изоҳлашича, ҳар йили ер юзида 10 миллион нафар қиз 18 ёшга тўлмай турмушга узатилаётган бўлса, 16 миллион нафар вояга етмаган ўсмир қиз она бўлаяпти.

Минг шукурки, Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк даврлариданоқ фақат бугунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ўйлаб иш тутилди. Қайси давлат билан муносабат ўрнатилмасин, тенгҳуқуқлиликни таъминлайдиган адолатли йўл танланди. Натижада иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги таъминланди. Босқичма-босқичлик тамойилларига асосланган ислоҳотлар туфайли мамлакатда мулкдорлар қатлами шаклланди. Бандлик масаласига бирламчи эътибор қаратилди. Биргина 2011 йилнинг ўзида 1 миллионга яқин янги иш ўрни яратилгани ҳам ислоҳотларнинг реал самараларидан далолатдир. Янги иш ўринларининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда ташкил этилгани эса аввало қишлоққа, қолаверса ҳудудларда истиқомат қиладиган ёшларга бўлган юксак эътибор натижаси, дея эътироф этилмоқда. Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини ҳам берди.

Шу ўринда «Мингйиллик» тараққиёт дастури Декларациясидан фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини кафолатлаш вазифаси алоҳида ўрин эгаллаганини таъкидлаш жоиз. Жаҳон миқёсида саводсизлар сони 1 миллиарддан ошаётган бир пайтда Ўзбекистонда 2009 йили Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиш имконини берадиган 9+3=12 йиллик таълим тизимига ўтиш жараёни якунланди.

Ҳар йили сайёрамизда 14 миллион гўдак очлик ва турли касалликлардан нобуд бўлаётган, ривожланаётган мамлакатларда эса мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқиш имкониятидан маҳрум бўлаётган бир пайтда жаннатмакон Ўзбекистонда миллиардмиллиард маблағ янги авлод вакилларининг камолотига сарфланмоқда.

Аммо Ўзбекистонга қўшни бўлган айрим давлатлардаги нохуш воқеалар, Афғонистонда давом этаётган нотинчлик, экологик таҳдидлар бизни ҳамиша сергак ва ҳушёр бўлишга чорлайди. БМТнинг 2000 йилги «мингйиллик» саммитида Юртбошимиз халқаро ҳамжамият эътиборини Марказий Осиё тобора халқаро экстремистик ва террорчилик марказларининг ҳамла ва хуружлари остида қолаётганига, Афғонистонда давом этаётган уруш, аввало, унинг халқини ва бутун минтақамизни қийнаб келаётганига, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит масалаларига, Орол денгизи ҳалокатига қаратгани бежиз эмас эди. Бу даъват ва чақириқларнинг ортида биринчи навбатда ёшлар тақдири тургани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар, у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинистик, диний тоқатсизлик кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Тан олиш керак: жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинаётганидек, глобал молиявий-иқтисодий муаммолар қаршисида сайёра бўйлаб жиноятчилик кўлами ортиб бораётир. АҚШ, Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларидаги нохуш манзаралар, айниқса, нафақат дунёвий, балки диний мактаб ва коллежларда ҳам тарбиячи-мураббийларнинг ўқувчиларни таҳқирлашлари ва улар номусига тегиш, болалар порнографик суратларининг интернет сайтларига жойлаштирилиши билан боғлиқ можаролар маънавият мавзуининг тобора долзарб аҳамият касб этаётганидан далолатдир.

Эътибор беринг, шу кунларда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг нигоҳи дунёдаги энг фаровон мамлакатлар ўнлигини бошқарадиган, тинчлик ва аҳолиси турмуш даражаси ҳавас қилишга арзигулик Норвегияда бўлиб ўтаётган суд жараёнига қаратилган. Содир этган қилмишларини тан олса-да, бунинг учун ўзини айбдор деб билмаслигини, имкон берилса қайтадан одамларни ўлдириш аҳдида қатъий туришини такрорлаётган Андерс Брейвик каби миллатчиларнинг бош кўтараётгани ёшлар мавзуси Европада кун тартибидаги устувор масала бўлиб қолаётганлигининг исботидир. Ёдингизда бўлса, ушбу кимса Норвегия тарихидаги энг йирик қотилликка қўл урди. Ўтган йилнинг июль ойида у Утойя оролида Ишчилар партиясининг ёшлар лагерида 69 нафар кишини ўққа тутди, мамлакат пойтахтида бир қатор портлашни амалга оширди. Натижада, 77 кишининг ҳаётига зомин бўлиб, ўнлаб оилалар қалбини вайрон қилди. Мазкур қотиллик Европада ёшларга алоқадор ягона қотиллик эмас.

Албатта, мана шундай нохуш манзараларнинг Ўзбекистонга бегона эканлиги ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди. Бугун мамлакатимиз тараққий этган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни лол қолдирмоқда. Мазкур ютуқларни мустаҳкамлаш иши маҳаллий раҳбарлардан тортиб ҳар бир фуқарогача, давлат ва нодавлат ташкилотлардан тортиб сиёсий партияларгача, оммавий ахборот воситаларидан тортиб маҳалла фуқаролар йиғинларигача ташаббускор ва фаол бўлишни талаб этади. Қолаверса, минтақанинг бўлажак тақдири ҳам кўп жиҳатдан Ўзбекистонга боғлиқ экани турли халқаро доираларда эътироф этилаётганини назарда тутсак, мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўли келажакда қўшни давлатларга ҳам намуна бўлиши мумкинлигини англаб етамиз. Бу эса улкан имкониятлар мамлакати бўлган она юртимизнинг эртаси учун ҳар бир фуқаро дахлдорлик ҳисси билан яшаши лозимлигини англатади.

**Абдували АБДУЛБОҚИЕВ**

Хориж матбуоти саҳифаларида

«Slate.fr», Франция

## КЕЛАЖАКНИНГ ХАВОТИРИ

**“Ўтган ҳафта қизим етти ёшга тўлди. Шу муносабат уйда у билан шоколадли торт тайёрладик. Ҳамма хурсанд эди. Ўша лаҳзаларда кутилмаганда хаёлимга бир фикр келди: келажакда қизимнинг ҳам ўз фарзанди бўладими? Бу саволга олимларнинг жаҳонда ҳароратнинг кўтарилиб кетиши ёки кескин тушиб кетиши туфайли ер юзида какао, буғдой ва шунга ўхшаш табиат неъматларини етиштиришда қийинчиликлар туғдираётгани борасидаги қарашлари туртки бўлган бўлса, ажабмас”, деб бошланади «Slate.fr» нашрида эълон қилинган Марк Хертсгарднинг мақоласи.**

Дарҳақиқат, ўтган ярим асрдаги атроф-муҳит билан бугунгисини солиштириб бўлмайди. Мана шу қисқа даврда нималар рўй берганини барчамиз англаб турибмиз. Инсоният сайёрамизнинг иқлимини қайтадан ўз ҳолига келтиришга уринмоқда. Бунинг оқибатида ижобий натижага эришиш ўрнига мевали дарахтларнинг парвариш қилиш методикаси ўзгартириб юборилмоқда. Мисол тариқасида биргина маккажўхорини олиб кўрайлик. Мазкур ўсимлик АҚШнинг барча ҳудудларида 35°С дан юқори бўлган ҳароратда ҳам биноийдек етиларди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллик кузатувлари асосида Айова штатида уч йил ичида ҳаво ҳарорати мисли кўрилмаган даражада кўтарилгани аниқланди. Агар иссиқхоналарда газдан мана шундай юқори даражада фойдаланаверилса, бу ерда ҳар тўртта ёзнинг учтасида ҳарорат кўтарилиб бораверади. Бу ҳақдаги фикрларни Техас университетининг профессори Катарин Хейхоу ҳам кўп марта такрорлаяпти.

Бу муаммонинг оқибатида ер юзида озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Манбаларда келтирилишича, 2050 йилга келиб сайёрамиз аҳолисининг сони 9,3 миллиард кишига етади. Яшаш тарзининг бу йўсинда мураккаблашиши оқибатида, айниқса, ривожланаётган давлатлар олдида озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошади. Жумладан, гўшт маҳсулотларининг нархи кескин кўтарилиб кетиши кутилмоқда.

Қисқаси, экологик муаммоларга қарши кураш янада кучайтирилмас экан, 2030 йилга келиб, учта тенденция — иқлимнинг ўзгариши, аҳоли сонининг ўсиши ва ресурсларнинг камайиши ер юзида салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

«Политика» газетаси, Сербия

## СЕРБИЯДА ИЧКИЛИК МУАММОСИ

**Сербиянинг 40 фоиз аҳолиси деярли ҳар куни спиртли ичимликлар истеъмол қилади. Ўн олти ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларининг 90 фоизи алкоголь маҳсулотларининг таъмини тотиб кўрган. Бельграддаги руҳий соғломлаштириш институтининг маълумотларга кўра, серблар ушбу кўрсаткич билан Европа давлатлари орасида тўртинчи ўринда туради.**

«Политика» газетасида эълон қилинган мақолада қайд этилишича, айни кунларда мамлакатда ичкиликка ружу қўйган, оқибатда турли касалликка чалинган кишилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

— Ҳар бир ҳудуднинг ўзига яраша камчиликлари бор, — дейди Бельград университетининг ўқитувчиси Александр Югович. — Масалан, Хитойда кўп миқдорда опиум, Жанубий Америкада кокаин истеъмол қилиш муаммога айланган бўлса, Сербияда алкоголь маҳсулотлари мунтазам ичиладиган ичимликдир.

Мутахассисларнинг фикрича, серблар спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ҳаётда учрайдиган муаммоларни унутишга ёрдам беради, деган тушунчанинг шаклланиб қолгани уларни бу муаммонинг гирдобига янада чуқурроқ тортмоқда.

Мазкур муаммога ечим топиш бугун Сербия давлатининг энг муҳим ишларидан бирига айланган.

«Foreign Policy», АҚШ

## ХАКЕРЛАР НИГОҲИ ХИТОЙГА ҚАРАТИЛДИ

**Кейинги кунларда Anonymous («Анонимлар») хаккерлик уюшмаси бутун диққат-эътиборини Хитойга қаратган кўринади. Чунки мазкур бирлашманинг хакерлари Чин юртининг дастлабки бешта сайтига “ҳужум” уюштиришди. Шуниси қизиқки, улар юзлаб иккинчи даражали давлат қурилиши ва корхоналарнинг саҳифаларига киришга эришган. Хакерлар бу билан Хитой ҳукумати вакилларига амалга ошириб бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқлигига ишора берган, шекилли.**

LulzSec хакерлик гуруҳининг вакилларидан бири Reuters агентлигига берган маълумотига кўра, интернет қароқчилари Хитойнинг мудофаага тегишли China National Import & Export Corporation компаниясининг сайтига кириб, унинг бир қанча ҳужжатларини ва файл айирбошлаш ресурсларини ўзлари учун юклаб олган.

Маълум бўлишича, хакерларнинг Хитойда ҳеч қандай базаси йўқ. Улар бу ишларни четдан туриб амалга оширишда автоматик таржимонлардан фойдаланган кўринади. Ҳозирча негадир Хитой ҳукумати томонидан жиддий чоралар кўрилмаяпти.

**Интернет хабарлари асосида Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.**

Реклама ўрнида

## «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

**масъулияти чекланган жамияти**

**2012 йил 25 май куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Савдоларга Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 29-уйда жойлашган Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази балансидаги 1999 йилда и/ч, д/р 01/780GAA, бошланғич нархи 4 830 000 сўм бўлган «ГАЗ-3110»; Мирзо Улуғбек тумани, Султония кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар Бошқармасининг уй-жой коммунал ва меҳмонхоналар хўжалиги балансидаги 2000й.и\ч, д\р 01/513 РРР, бошланғич нархи 2 460 000 сўм бўлган «ГАЗ-3102-311» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра «CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEKSI» ОАЖ балансидаги д/р 01/507 WAA бўлган «Опель Омега» 11 600 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижроси юзасидан 2012 йил учун чора-тадбир ишлаб чиқилган бўлиб, Ҳамза тумани солиқ инспекцияси ходимлари томонидан мазкур дастурнинг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ишлари амалга оширилмоқда.

## Тўғри йўлда тикон ётмас

Чунончи тумандаги Авиасозлар кўчаси ҳамда бошқа ҳудудларда жойлашган ноқонуний ташкил этилган савдо шохобчалар ва нуқталарида ўтказилган текшириш тадбирлари натижасида жорий этилган тартибларга зид равишда фаолият юритаётган бир қанча ноқонуний ҳолатларга чек қўйилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун тегишли ҳужжатлари бўлмаган олтита ҳолатда DVD дискларининг ноқонуний сотилаётгани аниқланди. Текширув чоғида 1474 дона умумий баҳоси 4204 минг сўмлик қаердан олиб келингани номаълум бўлган DVD дисклар далилий ашё сифатида савдодан олиб қўйилди. Ушбу ҳолат бўйича текширув ҳужжатлари чора кўриш учун туман судига юборилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан бундай фаолият билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, уларга қонунда белгиланган тартиб, имтиёзлар ҳақида тушунча бериш ва шу орқали уларнинг фаолиятини қонунийлаштириш ва янги иш ўринлари яратилишига кўмаклашиш чоралари кўрилмоқда.

**Жалол МАҲМАДЎСТОВ,**
**Ҳамза туман ДСИ**
**бошлиғи ўринбосари**

**Оғриқ нуқта**

# ОГОҲ БЎЛИНГ, ДИСКЛАР!

**Пойтахтимизнинг Янгиобод бозоридаги радиотехника павильони. Гала-ғовур. Ҳамма ўз ташвиши билан овора: кимдир фильм, кимдир мусиқа ёзилган дисклари сотиб олиш ниятида. Айримлар эса одамнинг этини жунжиктирадиган, қўрқинчли тасвирлардан иборат кинолар тўпламини танлайди...**

— Маънили, томошабинни фикрлашга ундайдиган кинолар ҳам борми? — сўрадим сотувчидан.

У ёнидаги қутини анча титкилаб, бир-бирига қурол ўқталиб турган одамларнинг расми туширилган дискни қўлимга тутқазди: “Ока, машши кинони кўринг, вабше даҳшат. Ёқмаса кевуринг, алиштириб бераман”.

Ачиниб кетдим. Қани энди, бу учар йигитлар сотаётган фильмлар орасида “пичоққа илинадиганлари” ҳам бўлса... Қидира-қидира тарихий кинолар тўпламини қўлимга олдим. Ёнимда турган 40-45 ёшлардаги киши “ур-йиқит” фильм дискини танлаб, уни ёруғликка тутиб текшира бошлади. Қизиқсиниб: “Ака, нима қилаяпсиз?” — десам: “Нуқсони бор-йўқлигини кўраяпман. Бир сафар олганимда сифатсиз чиқди, алам қилди. Олган жойимга қайтариб борсам, сотувчи “Амаки янги DVD сотволинг” деб ўдағайлади. Бир амаллаб бошқасига алмаштириб олдим”, дея жавоб берди. Шундан сўнг менда ҳам шубҳа пайдо бўлди ва сотувчидан:

— Фильмлар яхши кўчирилганми! ишқилиб? — деб сўрадим.

У кўзларини ола-кўла қилганча жавоб қайтарди:

— Ока, качествасига гап йу, алдамаймиз биза!..

Яна савол бердим:

— Буларнинг ичида беҳаё жойлари йўқми? Оила билан кўрамиз-а?!

— Йўқ ака, биз унақасини сотмаймиз, — хотиржамлик билан жавоб берди йигит.

Орқага бурилиб кетарканман, кимнингдир “анақасидан борми?” деган гапи қулоғимга чалинди. Қизиқсиниб тўхтадим-да, сал наридан кузата бошладим. Боягина мендан хадиксирабми, “унақа диск сотмайман», деган сотувчи, 16-17 ёшли йигитчаларга қараб бош иргади: “Изимдан юринглар”. Улар бозорнинг одамлардан ҳоли бурчагига бориб, савдолаша бошлашди.

Сотувчи йигит қўлидаги қутини кавлаб, уч-тўртта диск чиқарди ва уларнинг қўлига тутқазди. Бир муддат тортишишди. Савдо пишмади шекилли, йигитчалар қўл силтаб ортга қайтишди.

Улар олдимдан ўтар экан, бири иккинчисига деди:

— Дилшод, олсак бўларди.

— Нима қиласан, қиммат экан, керак бўлса интернетдан “скачат” қилиб бераман. Ёки Бахтига айтсанг, соткасидан ўтказиб беради. Унда қалашиб ётибди...

Шу пайт бир киши манглайимга келиб гап қотди:

— Ака, дискларни зўридан бор. Оласизми? Бор-йўғи икки ярим минг сўм.

— Нимаси зўр?

— Олиб кўринг, кейин биласиз. “Клиент” бўлиб қоласиз.

...Уйга келдим-у, дискни DVDга жойладим. Фильмларнинг барчаси сифатсиз эди. Уларни томоша қилганим сари фиғоним оша бошлади. Айниқса, иккинчи кинодан сўнг беҳаё фильм бошланиб кетса бўладими?... Тарихий фильмми бу... билмай қолдим. Хуллас, битта диск иккига бўлинди-да, ахлат челакдан жой олди.

Кейинги 5-10 йил мобайнида муомалага кириб келган сўзларнинг ҳеч қайсиси “диск”, “интернет”, “флешка” сўзиларичалик оммалашмаган бўлса керак. Ўзида кўплаб ва турли-туман маълумотларни жамловчи бу “сеҳрли сандиқча”лар ҳақиқатан мўъжизадек туюлади. Интернет унчалик оммалашмаган ҳудудларда эса дисклар, мобиль телефонлар асосий ахборот ташувчи восита сифатида хизмат қилмоқда. Улар орқали ҳар хил фильмлар билан бирга бемаъни видео маҳсулотлар ҳам кенг тарқалаяпти.

Таассуфки, ҳозирда мўмай даромад илинжида турли фильмлар, концерт, клип ва бошқа видео материалларни яширин равишда кўпайтириб, пуллаётган сохта тадбиркорлар анча. Улар ўзлари билиб ёки билмай маънавиятимиз кушандаси бўлган “оммавий маданият”ни тарғиб қилаяптилар. Бу эса ёшларимизнинг маънавиятига жиддий путур етказишдан ташқари ўзлигимизга, миллий анъаналаримизга, раҳна солишга уринаётгани кишини ташвишлантиради.

Боланинг онги соф бўлади. Қандай фильмни томоша қилмасин, унинг қаҳрамони тимсолида ўзини кўради. Айрим хориж киноларининг “қаҳрамонлари”эса вафо, ибо, ҳаё, меҳр-оқибат, никоҳ, оила, андиша, ота-онага ҳурмат каби тушунчалардан анчайин йироқ экани барчага аён. Шундай экан, бундай беҳаё фильмларнинг болалар онгига, дунёқарашига қандай таъсир этишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун республикамизда кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, ёш авлод онгида нотўғри фикрлаш стереотипларини шакллантирадиган, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни олиб келиш, сотиш билан шуғулланганларга жавобгарликни кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Яқинда кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун айни шу нуқтаи назардан аҳамиятли. Ушбу ўзгартишларга кўра, **эндиликда порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, шунингдек, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этиладиган бўлса, энг кам иш ҳақининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача қамоқ жазоси билан жазоланадиган бўлди.** Албатта, бу чоралар маънавиятни заҳарловчи ҳуқуқбузарликларга, жиноятларга қарши курашиш, шу жумладан, болаларнинг жисмоний, руҳий ва маънавий-ахлоқий ривожланишига акс таъсир этадиган ахборотни олишдан ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Нафсиламбрини айтганда, одобахлоқ, ҳаё, ор-номус, диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавий оламининг ажралмас қисмига айланган. Бугунги глобаллашув шароитида “оммавий маданият” никоби остида ёшларимизга турли ёт ғоялар, маънавий тубанликларни тарғиб этишга уринаётган қабиҳ ниятли кучлар айнан ана шундай қадриятларимизга чанг солаётгани сир эмас. Бу эса барчамизни янада огоҳ ва сергак бўлишга ундайди.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

Бугунги тараққиёт шиддати шу даражада тезкорки, унинг босимида миллий қадриятларга, мамлакат тинчлиги, осойишталигига хавф солувчи иллатларнинг кутилмаган жойда зоҳир бўлиши ҳар жиҳатдан инсоният учун ташвишлидир. Шу боис, уларга қарши кураш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Бу борада жамиятнинг маънавий негизларига путур етказувчи жиноятлар ва қоидабузарликларга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб боришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда..

## Қинғир қилмиш кечирилмайди

Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан ҳам бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мунтазам равишда ўтказилаётган рейд тадбирлари натижасида аниқланаётган ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйиляпти.

Яқинда Қўқон шаҳар ДСИ ходимлари томонидан «Ayubhon klassik servis» МЧЖга қарашли аудио, видео ва лазер дисклар сотиш шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Унда 16 миллион 200 минг сўм назорат-касса машинаси орқали кирим қилинмагани аниқланди. Устига-устак, ҳеч қандай ҳужжатларсиз 15 миллион 915 минг сўмлик 46 турдаги аудио ва лазер дисклар ҳамда уларни тайёрлаш билан боғлиқ воситалар мавжудлиги фош этилди. Текшириш натижасига кўра, бу маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Тўпланган далил ва ҳужжатлар эса қонуний чора кўриш учун Бош Прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қўқон шаҳар бўлимига тақдим этилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, миллий қадрият ва анъаналаримизга зид бўлган қонунбузарликларга қарши бундан буён ҳам кескин тартибда чоралар кўрилади. Чунки бундайларнинг етказилаётган зиёнзаҳмати фақат иқтисодий мезонлар билан ўлчанмайди. Жамиятимиз маънавий ҳаётига беқиёс зарар келтирадиган бу каби ҳаракатларга ўз вақтида тўсиқ қўйилади.

**Дилмурод ОРТИҚОВ,**
**Фарғона вилоят**
**ДСБ шўъба бошлиғи**

**Турмуш чорраҳаларида**

# Ипорини йўқотган она

**Самолёт, гўё хайрлашаётгандек, шаҳар узра уч марта айланди-ю, манзил сари йўл олди. Назокат унинг кичкина дарчасидан ташқарига разм солди. Шаҳар ортда қолган эди. Унинг кўнгли кўчиб, Чотқол этагига бош қўйиб ётган қишлоғига етди. Кўз олдида ўғли Хуршид гавдаланди. «Хуршидбек! Оҳ, болажоним-а! — дея унсиз тўлғонди Назокат. — Сени жуда-жуда соғиндим, кўзичоғим!»**

Ғирдан кўнгли алғов-далғов бўлди. «Ўғлим танирмикан? Таниса керак. Танийди. Ахир, бола онасининг ҳидини сезмайдими? Сезади. Худо хоҳласа, энажон, деб бўйнимга осилади».

Самолёт эса бир маромда гувиллаб, йўл танобини тортарди. Дийдор қувончи ҳижрон азоби билан ўт ва сувдек олишиб, Назокатнинг қалбини доғлайди. «Мусофир юртга келиб тўғри қилдими, адашдими? Ўшанда Самиянинг гапига кирмаганда не бўларди? Икки йил мусофир юртнинг қаттиқ нонига куни қолмасмиди? Бугунгидек туққан элига пушаймонлиқ ўтига ўртаниб қайтмасмиди?» Шу каби саволлар унинг миясида чархдек айланарди.

Бу азобдан фориғ бўлиш учун Назокат кўзларини юмди. Хаёлида Самия худди кечагидек жонланди...

Фасли баҳор эди. Назокат уйда эски кўрпаларини қавиб ўтирарди. «Ҳой, ўртоқжон, борсан?» деб қишлоқнинг чеккасида турадиган дугонаси Самия кириб келди. У ясан-тусан қилиб олган, жуда очилиб кетганди. Саккиз бармоғида саккиз хил узук, бўйнида йўғон тилло занжир. Ўттиз икки тилло тиши бирдай ёнарди.

Самия бир-икки йилдан бери қишлоқда кўринмай қолган эди. Уни бозорчи бўлиб кетган дейишарди. Ёлғон экан. Самия олисда, жуда олисдаги етти ёт элларда юрган экан. У оғиз кўпиртириб, ўзи борган ерларни мақтади:

— Мен сенга кўм-кўк денгиз бўйларидан салом олиб келдим. Мана бу чиғаноққа қулоқ солсанг, денгиз шовқинини эшитасан. Мана бу мушканбар ҳам сенга. Мана бунинг биттасини тутатсанг, уйингдан бир ҳафта ҳиди кетмайди, — деб аллақандай пиликчўпга ўхшаган нарсани берди. Совға дея Назокатнинг бармоғига кумуш узук тақиб қўйди.

— Муборак бўлсин, дугонажон! — деди ўпишиб. — Айтгандай, сен ҳам юр. Яқинда йўлга чиқаман, хўп десанг, икковимизга виза тўғрилайман.

Назокат боядан бери дугонасининг ўша олис юрт ҳақидаги ҳангомаларини киприк қоқмай тинглаб ўтирарди. Бирдан унга ҳаваси келди, ўзини Самиянинг ёнида кўрди, лекин иккиланиб елка қисди.

— Қандай бўларкин, — деди у хаёлчан, — бошимда эрим бор, унинг устига ўғлим ҳали ёш...

— Қандай эмас, қанддай бўлади! — баттар жўшди Самия. — Ҳозир бир эркакнинг топганига рўзғор тебратиш осон эканми? Секин, ётиғи билан тушунтиргин-да. Бир-икки йил ишлаб келсанг, уйингга барака кириб қолади. Ўғлинг неча ойлик бўлди? Олти ойликми? Энангга ташлаб кетасан. Эринг билан гаплаш. Мен яна келаман. Йўқ десанг, қўлга қўниб турган бахтингдан айрилласан, ўртоқжон!

Самия Назокатнинг оғзини очиргани қўймай, жўнаб қолди. Назокат ўша куни эрига индамади. У, аввало, кўнглига қулоқ солмоқчи, босадиган қадамини обдон ўйлаб олмоқчи эди. Назокат икки кун ўзи билан ўзи олишди. Дугонаси юрагига лақча чўғ ташлаб кетган эди. Бу аланга жисми-жонини куйдириб, гоҳо бегона юртларга имлаб чорлар, гоҳо «Одамга орият керак, хоним. Она сути оғзидан кетмаган гўдак билан сўққабош эркакни ташлаб, дунё ахтариб кетиш диёнатданми?» дея дашном берарди.

Охири кўнгил майли устун келди. «Кўзингни чирт юм, Назокат! Ёшлигинг қайтиб келмайди. Ўйнаб қол, қўлингга ҳам жир битсин».

Вақт топиб қимтинибгина эрига оғиз очди:

— Мен... Самия билан чет элга бориб ишлаб келмоқчиман.

— Ўртоғинг ахири сени ҳам йўлдан урибди-да! — норози бўлди Истамбек хотинининг гапларини эшитиб бўлгач. — Сафарлари қанча вақтга экан? Бир ҳафтагами, бир ойгами?

— Самиянинг айтишига қараганда, бир ой, ярим ой камлик қилармиш. Камида бир-икки йил, — деди Назокат. — Шунда топганингда барака бўлармиш...

Бир-икки йилни эшитиб, Истамбек ҳуштак чалиб юборди.

— Қойил, хотин! Ақлингга балли! Мен-ку, бир амаллаб кунимни кўрарман. Манави норасида гўдак нима қилади, тирик етим бўлиб қолаверадими?

— Нимага тирик етим бўлар экан? Энамга ташлаб кетаман. Сиз борсиз, хабар олиб турасиз. Кўкрак олмай қўйганига бир неча ҳафта бўлди, ахир!

— Болага фақат она сути эмас, она меҳри ҳам керак. Наҳот шуни тушунмасанг, хотин?!

— Сиз ҳам тушунинг-да, дадаси. Қўлга қўниб турган бахт қушини кишт деб бўладими? Бунақа имконият инсонга бир марта келади.

— Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши! Бой бўламан деб бир куни вой бўлмасанг, деб қўрқаман.

Ўн беш кундан кейин баҳайбат кумуш лайнер Самия билан Назокатни Ўрта ер денгизи соҳилидаги кичкина бир шаҳарга элтиб ташлади. Икки дугона ижарага олинган уйда яшай бошладилар. Назокат бир хонадоннинг идиш-товоғини ювғувчи бўлиб ишга кирди.

Назокат меҳнатдан ҳазар қилмади. Сочи супурги, қўллари косов бўлди. Бироқ топгани қўлга юқмади. Эри рост айтибди. Бегона юртда етти букилиб топган пулини, ўз ватанингда икки букилиб топсаям бўларкан. Кўрган хўрликларичи? Шу алпозда бир-бирини қувиб икки йил ўтиб кетганини сезмади. Бу орада бирон марта уйи билан гаплашолмади. Хат-хабар ҳам олмади. Ҳаёлида онаси, эри, ўғли — учовлон номаълум дунёга кўчиб кетгандек эди. Мана энди уларни кўргани осмону фалакни гоҳ кўз ёшлари билан ювиб, гоҳо офтобга илжайиб боқиб, кетиб бораяпти.

Самолёт омон-эсон Тошкентга келиб қўнди. Юки енгилгина эди. Йўл машинасига ўтириб, Боғистон сари жўнади. Ҳаводаги олти соат бир бўлдию, қишлоқ йўлидаги бир соат ҳам бир бўлди. Онасининг уйига яқинлашгани сари юраги қинидан чиқиб кетгудай ура бошлади. «Хуршид қандай бўлди экан? Ишқилиб, энам омон-эсон ўтирган бўлсин-да. Истамбек-чи? У Назокат йўғида Хуршидни йўқлаб турганмикан ёки...»

Назокат ўзи ўсиб-унган қадрдон ҳовлига нечук етиб келганини билмади. У қиз пайтидаги ўша унниқиб кетган эшикни аста очиб ичкари кирди. Бир нафас атрофга аланглаб туриб қолди. Кейин беихтиёр «Хуршид» деб қичқириб юборди. Бегона аёлнинг товушига уйдан энаси чиқди. У бир қарашда қизини танимади. Рўпарасида оврўпача кийинган, бироз озган, қорачадан келган жувон турарди. Назокат «Эна! Энажон!» дея она бағрига отилди. Шундагина она қизини таниб, қучоқ очди:

— Болагинам, тирикмисан, энанг айлансин! Мени кўмиб кейин кетсанг бўлмасмиди, жоним қоқиндиқ!

Она-бола судралишиб, торгина равонга бориб ўтиришди. Назокат олазарак бўлиб ўғлини изларди. Охири чидамади:

— Хуршид кўринмаяптими, эна? — деди юраги така-пука бўлиб.

— Ўғлинг омон-эсон юрибди, — деди кампир уҳ тортиб. — Отаси ҳафта сайин келиб хабарлаб кетади.

— Ҳозир қаерда?

— Кенжа тоғасиникига чиққандир, кеп қолар.

Кампир қўшни томонга қараб, товушлади:

— Ҳой, Матмуса, Хуршидга айт, мунда кирсин!

Ҳадемай эшикдан қора мағиздан келган бир бола кўринди.

— Кел, болам, — деди кампир. — Энанг келиб сени кутиб ўтирибди.

Назокат ирғиб турди. Хуршид тайсаллаб, бир-бир босиб келди-ю, Назокатдан тўрт қадамча нарида тўхтади. Назокат чўк тушиб, қучоғини очди:

— Бормисан, оппоғим! Сени бирам соғиндим, кўзичоғим! Қани, аяжонингни ачом қил-чи!

Бола қилт этмади. У бегона аёлга хўмрайиб қаради-ю, бувисининг биқинига бориб суйкалди...

**Саъдулла СИЁЕВ**

# КЎНГИЛ ГУЛШАНИ

## САРЧАШМАЛАР

Мутолаа манзили

Қиш фаслини ҳали очилмаган кутубхонага ўхшатгим келади. Баҳор, ёз, кузда кутубхона очилиб бўлган, табиат жавонидаги китоблар мутолааси бошлангандай. Ҳар бир китоб алоҳида бир боғ. Шундай боғлар борки, унда ҳосилга кирмаган дарахтнинг ўзи йўқ. Алишер Навоий ижодиёти ана шундай ажиб боғ: сархил меваларини кўриб кўзингиз қувнайди, уларга қўл чўзишингиз билан руҳингиз кўтарилади. Руҳий озуқанинг табиийлигидан ўз ҳолингизча тўйинасиз. Тонгда сой шоввасига боғдаги булбулларнинг жўровозлигидан алланечук завқланасиз. Эрка насимлар ҳаяжонингизни дарахтларга етказса, сизни баҳорда ям-яшил, кузда нуқра япроқлар олқишлайди. Япроқлар ўтган умридан мамнун одам мағрур кўз юмгани сингари ерга яйраб тушадилар? Бу саволга жавобни фақат илдизлардан — она замин бағридан топиш мумкин. Чунки пастда унинг илдизларини омон сақлаётган мўйсафид замин бор.

Азиз Қаюмов манбашунослик ва матншунослик илмидан сира оғишмай, ўзбек ёзма адабиётидаги қадимги битиклар, ёдномалардан тортиб, XIX асргача мумтоз адабиётга дахлдор ижодкорлар меросини ўрганиб келаётган фидойи олим — ҳаловатсиз боғбондир. У манбалардаги маълумотни асл ҳолида етказишда адабиётшуносликнинг қатъий интизомига риоя қилади. Салоҳиятининг замини сабр ва чидам. Манбалардан маълумотни танлаб, қаерда, қандай ишлатишдаги маҳорати барчага ўрнак. Унинг ўн жилддан иборат “Асарлар”ининг тўртинчи китоби мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг нисбатан кам ўрганилган “Насойим ул-муҳаббат”, “Вақфия”, “Сирож ул-муслимин”, “Муножот”, “Тарихи мулки Ажам», “Хамсат ул-мутахайирин”, “Фавойид ул-кибар” асарлари таҳлилига бағишланган.

Маълумки, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий болалигидаёқ ғазалидаги бир байти билан ўз устозини маҳлиё этган. Унинг беназир иқтидор эгаси бўлишига сабаб нима? Ота-онасининг тарбиясими? Дўстлари кимлар бўлган? Атрофидаги одамлар билан нималар ҳақида суҳбатлашган? Қандай табиатли инсонлар билан мулоқотни хуш кўрган? Бу каби саволларга олим Навоийнинг ўз тили ва дили билан жавоб беради. Айниқса, “Насойим ул-муҳаббат”да Навоийнинг отаси ҳақидаги маълумотни шундай шарҳлайди: Ғиёсиддин Астрободга кетаётганда дарвеш (мажзуб)га бир дирҳам инъом этади. Дарвеш олмайди. Эгнингдаги жуббани бер, дейди. Ғиёсиддин ҳаво совуқ бўлгани учун эгнидагини ечмай йўлида давом этади. Анча вақт ўтиб йўлида пайдо бўлган ўша дарвеш илтимосини такрорлайди. Унга кийимини бермаслигини билдириб яна пул тутади. Дарвеш олмайди. Орадан бир неча кун ўтгач, дарвешнинг антиқа талабидан таъсирланиб юрган Ғиёсиддин Астрободда яна бир дарвешни учратади ва жуббасини ечиб унга кийгизиб қўяди. Орадан кўп вақт ўтмай, дарвеш унга пешвоз чиқиб. «Барибир жуббани олдим-а!» — дейди. Воқеа шарҳида Азиз Қаюмов бола Алишер отасидан ҳикмат эшитиб улғайганига урғу беради. Бу ривоят, биринчидан, отанинг мулоҳазали инсон бўлганига ишора берса, иккинчидан, уларнинг атрофида ўша ҳикматнинг сарчашмалари мавжуд бўлганини кўрсатади. Дарвеш — футувват яъни, аҳли вафо вакили. У Ғиёсиддиннинг кўнглидаги ҳамиятни кўра олган. Шунинг учун жуббани қайта-қайта сўраган.

Олим улуғ мутафаккирнинг ҳамроҳ, дўст танлашда ҳам сира адашмаганини синчиклаб кузатади: ҳожа Аҳмад Муставфий, Бобо Пирийлар доим одамларни маломат қилишга одатланишган. Айниқса, Бобо Пирий жуда тажанг, дуч келган кишига қўрслик қиладиган одам. Унинг уйи Навоийнинг йўлида эканидан доим у ерни четлаб ўтаркан. Ўта мулоҳазали, шоирга доимо керакли маслаҳатлар берадиган ҳамроҳи бунинг сабабини билгач: «Пирийнинг каромати бор, уни ҳар ким ҳам тушунавермайди, суҳбатини олсангиз фойдадан холи бўлмайди», дейди. Шоирда у билан учрашишга қизиқиш уйғонади. Шундан сўнг уйи ёнидан ўтаётганда Пирий уларга пешвоз чиқади. Яхши муомалада бўлиб, Навоийнинг изидан дуо қилиб қолади.

Азиз Қаюмов Навоийнинг бу маълумотини шарҳлаб, одамларнинг ҳаётга муносабати турлича экани, бир-бири билан диллашадиган, диллаша олмайдиган инсонлар борлигини кўрсатади.

А.Қаюмов Навоий даҳосидан келиб чиқиб, пайғамбарзода Аюбни сабр ва садоқат рамзи сифатида талқин этади. Малойикалар Яратганга Аюб фақат сенга ибодат қилгани учун унга беҳисоб давлат — илоҳий хислат берилган, деб маломат қиладилар. Аллоҳ бу неъматларни бермасам ҳам унинг иши тоатдир, дея ғайбдан бало юбориб, уни синайди. Ўн ўғли том босиб ҳалок бўлади, ўзи хасталикка учраб, бутун танасини қурт қоплаб олади. Одамлар ўзларини ундан четга олишади. Аёли тиланчилик қилиб, унга меҳрибончилик кўрсатади. Шайтон аёл қиёфасига кириб, пул бериб сочидан қирқиб беришини сўрайди. Ва эркак қиёфасига қайтиб уни Аюбга кўрсатади... Олим илоҳий синов акс этган шоирнинг бир жумласига эътибор қаратади: “Баданидаги қуртларнинг бирортаси тушиб кетгудай бўлса, Аюб уни олиб қайта жойига қўяр, сизларни Тангри насиб этган, дерди”. Аллоҳ инояти билан у яна соғаяди. Хотини Раҳиманинг поклиги исботланади. Ҳалок бўлган болалари тирилиб келадилар.

Олим Навоийнинг Султон Ҳусайнга бағишлаган шеърлари фақат ҳукмдорни мадҳ этиш билан чегараланмаганини топиб қўйилган сарлавҳалар ҳам ифодалайди. Бундай шеърлар таҳлилини “Султон мадҳияси ва даврон тарбияси” деб номлайди. Мулоҳаза юритаркан, “Султонга давр ва замон бераётган тарбия” деган иборани қўллаб, ҳукмдор яхши-ёмон, дўсту душман, турли тақдирлардан чиқарилган хулосалар асосида тарбияланади, деган фикрни илгари суради.

“Вақфия”да Навоий ихтиёридаги ер ва дўконлардан келадиган даромад илм толибларига сарфланажаги санаб ўтиларкан, шайх, воиз, имомлар ҳам бундан баҳраманд эканликлари, улар ўз ишларига қўшимча сифатида мактаб тутмоқликлари топширилгани айтиларкан, олим бу хайрли ишнинг маълум талаблар қўйилган жиҳатига эътибор беради. Яъни, толиб ва мударрислар мадрасада ёки мадраса яқинида яшашлари шарт бўлган. Бошқа жойдан қатнайдиган бўлсалар, белгиланган пулнинг ярмини олишган. Бу Навоий томонидан ўйлаб топилган пухта тадбир экан яққол сезилиб туради.

Китобда Навоий Шарқу Ғарбда машҳур Луқмон, Фишоғурс, Буқрот, Буқротис, Суқрот, Афлотун, Аристотел, Жомасп, Бузуржмеҳр сингари файласуфлар ҳақида кенг маълумот беради, ҳакимлар ўртасидаги устоз ва шогирдлик анъаналари содда, аниқ таҳлил билан изоҳлаб берилади.

Китобда Навоийнинг Ажам ҳукмронлари тарихига оид “Тарихи мулки Ажам” асарида пешдодийлар табақасининг биринчи вакили Каюмарс, каёнийларнинг биринчиси Кайқубод, ашконийларнинг илк намояндаси Доронинг ўғли Ашк, сосонийларнинг биринчи подшоҳи Ардашер Бобак ва уларнинг ворислари ҳақида жуда қизиқарли воқеалар таҳлил этилади. “Бу оҳанг ила бўлгайсен Нақшбанд” сарлавҳаси остида нақшбандийлик таълимотининг асослари очиб берилади. Навоийнинг ҳаёт ва тафаккур муҳитини ташкил этган Лутфий, Саййид Ҳасан Ардашер, Муҳаммад Паҳлавон, Шайх Камол Турбатий, Улойи Шоший, Аҳмад Ҳожибек Вафоий, Абдураҳмон Жомий, Беҳзод сингари кўплаб аҳли диллар ҳақидаги маълумотларда аввало қайноқ ижодий жараён силсиласини туясиз. Буларнинг ҳар бири таҳлил учун алоҳида мавзу.

Хуллас, Азиз Қаюмов мазкур китобида Навоий умри давомида баҳра олган сарчашмалар аввало атрофидаги одамлар эканини далиллайди. Демак, улуғ шоир оламига фузалолар ҳикмати ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда ёмғирдай ёғиб турган. Шоир боғининг мангу кўркамлиги шундан.

**Илҳом АҲРОР,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**филология фанлари номзоди**

Меҳр – дунё устуни

## АЁЛЛАР ГУРУНГИ

— Аёлларнинг ўртасида чолмадай бўп ўтирволиб гап беришга устасиз, иш беришга ҳам чечан бўнг-да, чеча! — деди қайниси янгасига.

— Сизга чолма бўсам, акангизга олмаман, — деди қорачадан келган, қадди-қомати тўла аёл мамнун ҳолда.

Бу тоғ ён-бағридаги қишлоқларнинг бирида опа-сингиллар, дугоналар, янгалар гилам тўқиётиб, бирпас чой ичишга ўтирган палладаги ҳангомадан бир шингил. Бу ерда ҳангома дегани қизигандан-қизийди. Биттаси Гавҳар холанинг неварасининг киндиги тушибти, лекин тушган жойи ҳеч тузалмаётган эмиш, деса, иккинчиси:

— Эшонқул бобонинг киндиги тузалмаганда жунни куйдириб, уни ундай бўлгунча эзиб бир марта сепишганда тузалиб кетган экан, – дейди. Шунда учинчиси пешонаси тиришиб:

— Оббо! Эшонқул бобо 1890 йилда туғилиб, 1960 йилларда ўлиб кетган бўса, уни чақалоқлигини ким кўрипти? Сахал берарокдан кел! — дея эътироз билдиради.

— Ҳамма гапди бекорга чиқараверманглар, Ибн Сино бобомиз битмаган яраларга куйдирилган жун эзиб сепилса, тузалиб кетади, деб ёзиб қолдирган, — дейди ўқитувчи Ойниса. Бу аёл шу уйда гилам тўқилаётганини билиб ҳар куни вақт ажратиб келади-да, бирпас қарашиб юборади.

Ўтирганлардан бири яна гап бошлайди:

— Эргаш аканинг ули Маматти қизига ишқивоз бўп қопти.

— Янги гаплардан айтинглар. Буни ҳамма билади, — дейди бошқаси.

— Тошматти хотинини оёғи оғриб қопти, бугун эрталаб «Нексия»сига ўтқазиб, Тошкенга дўхтурга об кетипти.

— Ҳов? — дейди гиламчи қизлардан бири. — Кечагина бизам гилам қурамиз, тўқиётган гиламларинг битса, бизникига навбат, девди-ку, дарров оёғи оғриб қоптими?

— Нима, оғриқ одамдан ижозат сўраб келама?

Гапга чечан гиламчи келинлардан бири эса қўшиқ бошлайди:

Суяблар отга мингизган,
*Суйганимди кийгизган...*

— Айтгандай, Нормат ака шунчалик ориқлаганки, жағида пичоқ қайрасанг бўлади. Жуда меҳнатга ёпишган, итда тиним бор, шу одамда тиним йўқ. Одам сал ўз жонининг қадрига етса-да, — дейди ўтирганлардан бири.

— Ҳеч қандай! — бунга жавобан қизлардан бири, — Нормат ака бизнинг ён қўшнимиз, у киши беда ўришдан тортиб ёнтоқ чопишгача, кўчат ўтқизишдан тортиб мол боқишгача – ҳамма ишини завқ билан бажаради. Ишлаб, ишлаётган пайти жаради. Овқатни ҳам яхшигина ейди. Ориқлигини айтсангиз, у киши ўзи асли қотма одам.

Ўқитувчиликдан нафақага чиққан Қўйсин хола қўлида урчуқ, гиламга пат йигираётиб дейди:

— Индамаса, ҳозир шу ҳангомаларингди ғийбатга айлантириб юборадиган шаштларинг бор-ов!

— Оз бўлса ҳам ғийбат аралаштирмасак, ҳангомамиз қизимайди-да, хола, — беғараз ҳазил қилади ўтирганлардан бири. Ҳамма гуриллаб кулади.

— Гапимди бўлмай эшитсаларинг, мана шу куннинг ўзидан янгичасига бошлайдиган ишларимиз тўлиб ётипди. Бу ишимизди тез ва аққол кетишига ёрдам берадиган, кимлигимизди рўёбга чиқарадиган, меҳнатимиз маҳсулини тош умрига тенглаштирадиган вазифалар. Гапимди бўлишга шошишдан олдин ўйла-аб кўринглар, нега гилам тўқиётган панжаларинг жун калаваларнинг рангига бўялиб қолаяпти? Нимага?

Гиламчилар шўрлик бармоқларига қараб ўйланиб қолишди. Қўйсин хола давом этади.

— Нимага десаларинг, қўйларимизнинг насли бузилган.

— Шу гапингизга ўзингиз гап топа қолинг, — дейди бўшашиб катталарнинг гапини бўлишга уста бўлиб кетган чаққон гиламчи қиз Болбуви.

— Нимага бўларди? Катта думбали, узун, наслдор совлиқларимизга пакана, қўй десаям, демасаям бўловрадиган думли қўчқорларди қўшиб қўйдик. Улардан нимжон қўзилар туғилди. Бу қўйларди жуни илгариги жайдари қўйларимизнинг сифатли жунига яқинлашмайди ҳам. У жунларни ўлиб-толиб йигириб, бўяб, гилам тўқиймиз, икки-уч йил ичида рангида ранг қолмайди. Мана, ҳозир панжаларинг бўялиб қолаётгани ҳам чарчаб-ҳориб тайёр қилаётган гиламларингди неча пуллигини айтиб турибти.

— Хай, нима қил дейсиз?

Қўйсин хола замон билан ҳамнафас яшайди. Лекин тоғликларга хос кийиниши, эгнидаги либосларининг кенг ва узун бўлиб тўкилиб туриши ўзига жудаям ярашади.

— Энам айтарди, — дейди у сўзини давом эттириб, — эсинг бўса, олача тўқийсанми, гилам тўқийсанми, жулқурс ёки холи хуржун тўқийсанми, албатта, жайдари қўйди жунини ишлат. Жайдари қўйди жуни кирни, чангни ўзига олмагани учун тиллодан қиммат туради. Фақат унга мойли овқат ёки бўёғ-сўёғ тўкиб юбормасанг бўлди, шипирсанг очилаверади, шипирсанг яшнайверади. Бир умр ювмасанг ҳам бўлади.

Қисқаси, зотдор қўйларди кўпайтириш керак. Ана шунда кўрасиз, биз тўқиган гиламларди жаҳон бозорида олий ўринни эгаллашини! Айналайин, баъзи раҳбаржонларим, фақат шу билангина иш битмайди. Қўй кўпайтириш борми, гилам ишлаб чиқариш борми, моллар парвариши борми, ҳаммасини кечиктирмай, ўз вақтида ва ўринли бажариш керак.

Савит пайтидаги «Иш билган иргада, гап билган юзада» деган мақол энди кетмайди. Шўролар даврида иш билганлар эзилиб-эзилиб ишларди, лекин уларди меҳнати кўзга кўринмасди. Мажлисларда вақор билан гапириб, «учма-қўнди»лик қиладиганларди обрўйи обрўи эди. Лекин қилган ишларининг тайини йўқ эди.

— «Учма-қўнди»ингиз нима, хола? — сўрайди гиламчилардан бири.

— «Не туда — не суда» дейсизларку ўзларинг, шу-да! Раҳбарсиниб у ёққа машина миниб ўтади, бу ёққа машина миниб ўтади, уларга қандай бўлсаям иш кетса бўлди. Йўқ! Энди меҳнатимиз тартиби ёки жараёнини батамом ўзгартирамиз, юқоридаги мақолни ҳам ҳаётимизга мослаштирамиз. Энди иш билган иргада қолиб кетмайди, гапди онасини айтсам, иш қилган, ишди қойил қилган одам юзага чиқади. Бунинг учун меҳнат қилган кишининг юрагида олови бўлсин, синиқиб юрмай, ҳақини, ҳуқуқини ҳимоя қилиб яшашга ўргансин. Отабобомиздан қолган мақол бор: «Ўзингга ҳушёр бўлмасанг, чор тарафинг оч бўри!» деган.

Аввало, ҳар бир киши бекор ўтган вақтига тилло йўқотгандан ҳам қаттиқроқ ачинсин. Раҳбарларимиз ҳам, меҳнат қилаётган кишиларимиз ҳам ҳар бир ишга инсоф билан қарасин, бажараётган ишида сифат борйўқлигига эътибор берсин, буни жаҳон бозорига чиқарган маҳсулотларимизди ўзи дангал айтиб турсин. Кийган кийимларимиз ҳам, ўзимизни тутишимиз ҳам кимлигимизди танитиб турсин. Бу улуғ мақсад ва ишлар тадбирини топса бўладиган бобомерос, момомерос вазифамиздир. Ана шунда ишсизлар кундан-кун камайиб бораверади, дастурхонимиз ризқ-насибага тўлади, ора-орада қиладиган юқоридаги беғараз, ҳазил аралаш ҳангомаларимиз ҳам ўзимизга ярашади.

**Сайёра БЕКМИРЗАЕВА**

Таассурот

Қўлимда антиқа китоб. Номи «Меҳмон «ови». Ажабо, бу нима дегани экан-а?! «Балиқ ови», «қирғовул ови», «ўрдак ови»ни билардим, лекин «меҳмон ови» иборасини умрим бино бўлиб эшитмаган эканман.

Китобни аста варақлай бошладим. Лекин бешолтита сарлавҳани кўргач, юрак ҳапқириб дарров мундарижасига кўз югуртирдим. Вой-бўй, ажабтовур сарлавҳалар: «Акула», «Дурбин хола», «Ялмоғиз кампир еёлмаган нон», «Соқов қизнинг бахти»...

## «Меҳмон «ови»

Таниқли олим ҳажвчи Мухтор Худойқуловнинг мазкур китоби бундан аввалги «Киракашликнинг кироийи ҳангомалари» номли асаридан асло қолишмайдиган, қаҳрамонлари ўз номи билан аталган, тўхтамай ўқиладиган тўқилмаган ҳикоялардан иборат ажойиб китоб экан. Очиғини айтганда, бошқа китобларни варақлаганда, «Вақтга қараб кейин ўқиб чиқарман» деб кейинга қолдирардим. Лекин «Меҳмон «ови»ни қўлга олишим билан ўқишга зўр иштиёқ пайдо бўлди. Уни бир куннинг ўзида, қўлдан қўймай ўқидим ва қоғозга қоралана-жак баъзи мулоҳазалар дунёга келди.

Воқеалар меҳмонхона атрофида кечади. Муаллиф «Акула» ҳикоясида Рая исмли аёлнинг нима учун «Акула» лақабини олганини шундай таърифлайди: «У кўриниши билан меҳмон олувчилар худди бирор бало-қазо келаётгандай: «Оббо, ана Акула келяпти, энди бизга иш йўқ. Қуриб кетсин, очофат, сира тўйдим демайди», деб уҳ тортиб олишади. Акула машинасидан тушибоқ ўзини «ов»га уради.

«Ҳайитали қани?» ҳикоясида эса ёшлигида Бўстонлиқнинг Сижжак қишлоғидан Тошкентга келиб қолган, Молия институтини тугатган, қайси бир туманда банк раҳбари лавозимида ишлаб нафақага чиққан Тўламат аканинг меҳмон «ови»да бироз айёр ва ғирромлиги, лекин аслида кўнглида кири йўқ одамлиги, Сижжакдаги қўшниси Ҳайиталининг олмасини «Олой» бозорида сотишга кўмаклашсам савоб бўлар» деб, кейин бозорда бедарак йўқолган Ҳайитали туфайли қуруқ туҳмат, надоматларга қолиб, милиция идораларида сўроқ қилиниб, бир неча кун қамалгани, кейинчалик Ҳайитали Андижоннинг Қўрғонтепа қишлоғидан топилгач, Тўламат аканинг «Ҳайиталини сен ўлдириб, гумдон қилгансан» деган туҳматидан қутулиб, Сижжакдаги қўни-қўшни, қариндош-уруғлари олдида юзи ёруғ бўлгани тасвирланган.

Китобда ёзувчи китобхон умрида мутлақо эшитмаган бир соҳанинг ичига обдон кириб олиб, ижарачиларнинг ўзига хос гапларию қилиқларини, улар орасидаги ўзаро муносабатларни синчковлик билан батафсил тасвирлайдики, китобхон ҳам бамисоли ҳикоя қаҳрамонлари билан бирга меҳмон «ови»га чиққандай ҳис этади ўзини.

Шунингдек, ҳикояларни ўқиш жараёнида сиз турли тоифадаги одамлар: ёшу қари, доно ва нодон, бебурд, хасис, алдамчи, тилёғламачи, безбет, қўшмачи ва фоҳишалар ҳамда ижарачилар уйида ўзини мўмин-қобил қилиб кўрсатиб, шўринг қурғур мезбонларнинг пинжига кириб олиб, ишончини қозонгач, қимматбаҳо кийимларию буюмларини ўғирлаб, даф бўлган ўғриларга ҳам дуч келасиз.

Сўнгсўзни меҳмон «ови»да бевосита қатнашган муаллифнинг ўзига берамиз: «Аммо рост айтишим керак, ана шу «меҳмон овлаш» давримда мен жуда кўп одамларни кўрдим, кузатдим, синадим, феълу атворларидан огоҳ бўлдим ва ўша кунлардан ҳеч бўлмаса, шу ёдгор бўлиб қолсин деб кўрган-кечирганларимни қоғозга туширдим. Ахир, бу дунёнинг ўзи ҳам бир меҳмонхона, бизлар эса унда вақтинча меҳмонмиз, холос...»

**Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ**

Халқаро алоқалар

# Дўстона ҳамкорлик — тараққиёт омили

***Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги дўстлик алоқалари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатимиз тарихи, маданиятига Испания қироллигининг олий даражали зиёлилари, савдо-сотиқ ҳамкорлари ҳамиша қизиқиш ва катта эътибор билан қараган. Бундан 6 аср муқаддам — 1404 йилда буюк Амир Темур ва Испания қироли Энрике III ўртасида дипломатик алоқаларга асос солиш мақсадида испан элчиси Луи Гонсалес Клавихонинг Самарқандга ташриф буюргани ҳақидаги тарихий факт халқларимиз ўртасидаги маданий, маърифий ва иқтисодий алоқаларнинг тамал тоши бўлганлигини англатади.***

Бундан бир йил муқаддам Мадрид шаҳрида Фонд Форум, Ўзбекистон Республикасининг Испания Қироллигидаги элчихонаси, Испаниянинг "Repsol" компанияси ҳамкорлигида "Самарқанд: Буюк ипак йўли дурдоналари" деб номланган ўзбек маданияти кечасининг ташкил этилгани, унда "Repsol", "Talgo", "Abengoa", "Indra", "Iberdrola", "Duro Felguera" сингари йирик ташкилотлар раҳбарлари, Испания Қироллигининг 200 дан зиёд сиёсий, ижтимоий, маданий ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашгани тарихан ҳамкор бу икки дўст мамлакатнинг муштарак мақсадлари кўлами тобора кенгайиб, замонавий кўринишда ривож олаётганидан далолатдир.

Яқинда мамлакатимизнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида дунёнинг илғор мамлакатларидан ташриф буюрган испан тили мутахассислари иштирокида "Буюк ипак йўлида испан тили ва маданияти" деб номланган семинар бўлиб ўтди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган маърифат фидойиларининг Ўзбекистонда бундай дийдорлашуви ўзига хос байрам тусини олди. Анжуманнинг очилиш маросимида мезбон даргоҳ — Жаҳон тиллари университети мутасаддилари миллатимизга хос меҳмоннавозлик билан "қадамларига ҳасанот" дея ташриф буюрувчиларга ўз куй-қўшиқлари, тантанали дастур намойишларини туҳфа этди. Ҳамюртларимизнинг испан тилида ижро этган дилрабо рақсу наволар гулдастаси йиғилганларни хушнуд этганлиги юз-кўзлардаги қувончдан билиниб турарди...

Европа испан тили ўқитувчилари ассоциацияси раиси Мариа Пилар Сельма ўз нутқида анжуманнинг ташкилий ишларига миннатдорлик билдираркан: "Мазкур анжуман яқинда мамлакатингизда бўлиб ўтган халқаро симпозиумнинг мантиқий давоми сифатида эътирофга лойиқ ва бу ҳолат юртингизда таълим тизимига ниҳоятда катта эътибор берилаётганидан далолатдир", дея эътироф этди.

Анъанавий тарзда ҳар икки йилда бир марта уюштириладиган мазкур халқаро анжуман ўтган йилларда Япония, Россия, Венгрия, Марокаш, Францияда, бу йил эса илк маротаба Ўзбекистонда ўтказилаётганининг ўзиёқ мамлакатимизнинг халқаро миқёсда ортиб бораётган нуфузини белгилайди. Анжуман Европа испан тили ўқитувчилари ассоциацияси, Фонд Форум, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари, Жаҳон тиллари университети, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилгани унинг миқёсини янада орттирди.

Анжуман доирасида юртимизга ташриф буюрган делегация аъзолари давлатимиздаги тўртта олий ўқув юрти — Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти, Бухоро давлат университети ҳамда Жаҳон тиллари университетида бўлиб, мамлакатимизда испан тили ўқитилишининг ҳолати ва яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Испан тили ўқитилишининг янги метод ва педагогик технологияларига бағишланган анжуманда ушбу олийгоҳлар ўртасида меморандумлар имзоланди.

Тадбирнинг асосий илмий қисмида Европа испан тили ўқитувчилари ассоциацияси аъзолари бўлган Испания, Англия, Франция, Швейцария ва Хитой Тайпейи каби мамлакатлар ҳамда республикамиз олий таълим муассасалари испан тили ўқитувчиларининг маърузалари тингланди.

Гуруҳларга бўлинган анжуман иштирокчилари эътиборига «Испан тили лингвистикасининг тузилиши», «Испан тили ва унинг халқаро намойиши», «Испан адабиёти намояндалари», «Ўзбек тилида гаплашувчиларга испан тилини ўргатиш муаммолари», «Испан тилини ўргатишда испан адабиётининг ўрни», «Испан тилида чет эл сўзлари ва неологизмлар», «Испан тилини ўрганиш босқичлари» каби мавзуларда илмий таҳлилий талқинлар тақдим этилди.

Мамлакатимиз таълим тизимида хорижий тилларнинг ўқитилишига катта аҳамият бериб келинмоқда. Нуфузли анжуманнинг мамлакатимизда ўтказилаётганининг ўзиёқ Ўзбекистонда испан тилини ўқитишнинг самарали йўлларини излаш, хусусан, замонавий дарсликлар билан таъминлаш, илмий-методик педтехнологияларни ишлаб чиқиш масалаларининг ижобий ечим топишига асос бўлиб хизмат қилади.

Испан тили дунёда одамлар энг кўп сўзлашадиган тил сифатида хитой тилидан кейин, мавқеи жиҳатидан эса инглиз тилидан кейин иккинчи ўринда туради.

— Мен мамлакатингизда ниҳоятда изланувчан, илмга чанқоқ ёшларни кўриб, очиғи, ҳайрон қолдим, — дейди Швейцариядан келган делегация аъзоси Гуннел Валкуист. — Анчадан бери оилам билан юртингизга ташриф буюришни ният қилиб юргандим. Ушбу халқаро анжуман баҳонасида бу орзуим амалга ошди. Семинарнинг ташкилий савияси, халқингизнинг меҳмондўстлиги, истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиш суръати.., барча-барчасидан мамнунман.

«Мен эса Ўзбекистонга бундан бир йил олдин келган эдим. Тўрт йиллик шартнома асосида ЎзДЖТУ испан тили факультетида талабаларга дарс беряпман. Юртингиз ёшларининг кўзлари доимо ёниб туради. Бу қадар билимга чанқоқлик мамлакатда таълимга бўлган катта эътибор намунаси, деб ўйлайман». Бу қалб сўзлари испаниялик ўқитувчи Маннуел Каспедосга тегишлидир.

Анжуман якунида Испаниядаги Сервантес институтининг Ўзбекистондаги филиалини очиш режалаштирилаётгани ва ўзаро ҳамкорликнинг бардавомлигига умидворлик икки томонлама самимий эътироф этилди. Семинарнинг фаол иштирокчиларига сертификатлар тақдим этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги бундай ҳамкорлик ривожига анжуманда иштирок этган ҳар бир талаба ўзининг аъло ўқиши, дунё тилларини мукаммал эгаллаши орқали янада ҳисса қўшажагига аминмиз.

**Камола АЛИБЕКОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

Спорт

## Олимпиада машъаласи йўлга чиқади

**Жорий йилнинг энг йирик ва нуфузли халқаро мусобақаси — Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига ҳам оз вақт қолди. Айни пайтда «Лондон-2012» йўлланмасини қўлга киритган спортчилар, терма жамоалар мусобақага пухта ҳозирлик кўришмоқда. Шунингдек, мусобақа ташкилотчиларининг тайёргарлиги ҳам қизғин паллага кирди.**

Sport.ru сайтининг хабар беришича, яна бир неча кундан кейин, аниқроғи, 10 май куни Олимпиада машъаласи Лондон сари йўлга чиқади. Машъала анъанага кўра Олимп ўйинлари ватани — Греция бўйлаб олиб ўтилади. Сўнгра, 17 май куни у Афинадаги «Панатинаикос» ўйингоҳида «Лондон-2012» ташкилотчиларига топширилади.

## Лондонга Сенегал боради

**Футбол бўйича Сенегал олимпия терма жамоаси мусобақанинг сўнгги йўлланмасини қўлга киритди. Минтақавий плей-офф босқичида ҳамюртларимиздан устун келган Уммон олимпиячилари 2:0 ҳисобида мағлуб этилди.**

Бу «Лондон-2012» олимпиада саралашининг сўнгги ўйини эди. Шундай қилиб, энди катта спорт фестивалининг футбол турнирида иштирок этувчи барча — 16 терма жамоа номи аниқ бўлди. Булар: мезбон — Буюк Британия, Европадан Испания, Швейцария, Беларус, Осиёдан Жанубий Корея, БАА, Япония, Африкадан Габон, Марокко, Миср, Сенегал, Шимолий Америкадан Мексика ва Гондурас, Океания минтақасидан Янги Зелландия ва Жанубий Америкадан Бразилия ҳамда Уругвай олимпия терма жамоларидир.

## Чемпионат баҳслари якунига етди

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Аллюр" от спорти клубида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Уч кун давом этган мусобақада 50 нафарга яқин моҳир чавандозлар ҳар хил баландликдаги тўсиқлардан от сакратиш бўйича баҳс олиб боришди.**

Пойтахтлик чавандоз Аваз Абдуҳакимов 130 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан от сакратиш мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Р.Йўлдошев (Тошкент вилояти) ва Ў.Мирзажонов (Самарқанд вилояти)га насиб этди. Шунингдек, 150 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан от сакратишда яна бир пойтахтлик спортчи Ў.Назаровга тенг келадигани топилмади. Наманганлик Юсуф Абдураҳимов ва тошкентлик Умид Комилов кейинги ўринларни банд этди.

**Ойбек АБДУЛЛАЕВ**
**тайёрлади.**

Марафон

# "ҲАЁТ УЧУН КУРАШ!"

***Юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, спортни оммалаштиришга, халқимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий баркамол бўлишига ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиш тобора яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу ишларда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ташаббускорлиги самара бермоқда.***

Яқинда мазкур жамоат ташкилоти яна бир хайрли ишга қўл урди. "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси ва "Ўзбекистон ижтимоий масъул фуқаролари форуми" каби нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда республикамиз бўйлаб "Ҳаёт учун!" хайрия марафони ташкил этилди.

Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида марафоннинг вилоят босқичлари ўз якунига етди. Хайрия марафонининг асосий босқичи эса 1 май куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Унда ўзбек эстрадаси, киноси, театр юлдузлари, дипломатик корпус вакиллари, шифокорлар, спортчилар, жамоат ташкилотлари ва вазирликлар ходимлари, талабалар, мактаб ўқувчилари, бир сўз билан айтганда, саломатлик ва гўзаллик тарафдорлари бўлган ҳамюртларимиз вакиллари қатнашиши кутилмоқда.

Оммавий тадбирдан кўзланган асосий мақсад саратон касалликларига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, кўкрак бези саратонига чалинган аёлларни қўллаб-қувватлаш, касалликнинг олдини олиш учун текширувдан ўтиш зарурати ҳақида хотин-қизларни огоҳлантириш, мунтазам равишда маммографик кўриклардан бепул ўтиш имкониятини яратиб беришдир. Хайрия тадбиридан тушган маблағ кўкрак бези саратонига чалинган аёлларга дори-дармон сотиб олиш, уларни текширувдан ўтказишга оид акцияларга сарфланади. Шу ўринда бир маълумот. Январь ойида "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси билан АҚШнинг Г.Комен номидаги кўкрак саратонига қарши кураш фонди ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланди. Бу миллий уюшманинг юртимиздаги фаолиятини янада кенгайтириш, биргаликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

"Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафонининг финал қисми арафасида, яъни 23 апрель куни соат 16.00 да "Jar" стадионида эстрада ва кино юлдузлари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази жамоалари футбол бўйича ўртоқлик учрашувини ўтказишди. Шунингдек, акция давомида ўзбек эстрадаси вакилларининг бадиий чиқишлари ҳам бўлиб ўтди. Чипталар сотувидан тушган маблағнинг барчаси хайрия акцияси ва лойиҳаларини ўтказиш учун сарфланади.

Маълумот ўрнида "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмасининг турли лойиҳа ва акциялари доирасида юртимиз бўйлаб 15 минг нафар аёл бепул тиббий текширувдан ўтказилганини, 300 дан зиёд аёлга 900 миллион 430 минг сўмлик дори-дармон берилганини таъкидлаш жоиз. Икки нафар оғир бемор бепул жарроҳлик амалиётини ўташ ва турли муолажалар ўтказиш учун Исроил ва Жанубий Корея мамлакатларига юборилди.

Қолаверса, маҳаллий шифокорлар учун маммология, гинекология ва психология соҳасида ишловчи хорижий мутахассисларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди. Хабарингиз бор, хайрия марафони юртимизда илк маротаба 2010 йил 13 май куни ўтказилган эди. Унда 3 километрлик масофада жами 5 минг киши иштирок этган. Ўтган йилдан бошлаб бу хайрия тадбирини мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида ўтказишга эришилди. Аҳамиятлиси, марафон иштирокчиларининг сони олдинги йилга қараганда сезиларли даражада ошди, яъни унда 23 мингдан зиёд киши қатнашди. Жорий йилги марафонда бутун юртимиз бўйлаб 33 минг киши иштирок этган бўлса, 27 апрель куни биргина Тошкентда ўтказилган якуний босқичда ўн минг нафардан ортиқ иштирокчининг қатнашиши кутилмоқда.

**Азим РЎЗИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

«Hurriyat» газетаси жамоаси, Касаба уюшма қўмитаси таҳририят бўлим мудири Матёқуб Нарзиевга волидаи муҳтарамаси

**ТУРСУНОЙ ая**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ГУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21:00
Топширилди — 21:00

Адади: 10839 Буюртма — Г-455 1 2 3 4 5